

ТЎЙДАН КЕЙИНГИ «ТОМОША»

... М.Сахибжонов С.Раҳматовдан 3000 АҚШ долларини пора тариқасида ўзининг ҳайдовчиси Б.Алматов орқали олган вақтида ушланди. Аммо унинг жиноий қилмиши шундангина иборат эмас экан.

8 бет

ЭГРИ ЙЎЛДАГИ ЙИГИТЛАР

Ҳали 18 ёшга тўлмаган бўлишига қарамай Карим Асадов жиноий гуруҳнинг фаол аъзоси сифатида навбатдаги "операция"да ҳам иштирок этди. Бу гал улар ўғрилиқ эмас, зўравонлик йўли билан чўнтакларини қаппайтирмоқчи бўлишди.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУҚ



1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 25-oktabr, №43 (824)

Назорат

Юртбошимиз Ислам Каримов истиқлолнинг илк кунларидаёқ республикамизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши ва халқимиз турмуш даражасининг юксалиши айнан аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти билан боғлиқлигини таъкидлаган эдилар. Бугун ана шу ислохотлар самараси сифатида ўтган йиллар давомида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Айниқса, соҳага доир қонунчилик тизимининг шаклланиши ва босқичма-босқич такомиллашиши эса улғувор мақсадларимизни рўйбга чиқаришда муҳим ўрин тутмоқда. Мазкур ислохотларни тўлақонли амалга оширишда прокуратура органлари томонидан ҳам қатор чора-тадбирлар кўриб келинмоқда.

Қишлоқ тараққиёти — фаровонлик омили

Хусусан, прокуратура органлари томонидан Президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан доимий назорат тадбирлари ўтказилмоқда. Унда пахта ва галла экиладиган майдонлар мониторингини ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, гидротехника, мелiorация иншоотлари ҳамда қишлоқ ҳўжалиги техникасини ишлатишда ҳўжасизлик, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳўлатларининг олдини олиш, фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига эътибор берилляпти.

Жорий йилнинг 9 ойида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 1826 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра 63255 та прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилди. Қонунга зид ҳўжатларни бекор қилиш бўйича 1355 та протест келтирилиб, прокурорларнинг тақдиминома ва қарорлари асосида 18156 нафар шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. 343,4 млн. сўмдан ортик зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилиб, судларга 38,4 млрд. сўмлик зарарни ундириш бўйича 10 438 та ариза қилинди. 9913 нафар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, жиддий қонунбузишлар юзасидан 668 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Прокуратура органлари томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш, ер ажратишда суиистеъмолчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўймаслик борасида ўтказилган назорат тадбирларида турли хил қонунбузилиш ҳўлатлари бўйича 8636 гектарга яқин ер майдонлари захира ер фондида қайтарилиши таъминланди. Шу билан бирга, ўтган 9 ойида мансабдор шахслар томонидан 501 та ҳўлатда 4131 гектар ер майдони ноқонуний ажратилганлиги аниқланиб, 3601 гектарининг қайтарилиши таъминланди.

Бугунги кунда яқинлари, ҳатто ўзларига фермерлиқни расмийлаштириб, уларнинг фаолиятига ҳўмийлик қилиш, ерларни пора эвазига сотиш каби мансаб суиистеъмолчиликларига йўл қўйилган ҳўлатлар ҳам фош этилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида 145 нафар мансабдор шахслар томонидан 2058 гектардан ортик ер майдонлари ана шундай мақсадларда ажратилган. Мисол учун, Тўрткўл туман ҳўкими И.Юлдашев 32 нафар фуқарога яқка тартибда уй-жой ва савдо дўқони қуриш учун ер ажратиш эвазига 23,4 минг АҚШ долларини ва 8,3 млн. сўмни пора тариқасида қабул қилиб олган. Мазкур жиноят бўйича ҳўкимга нисбатан одил суд ўз ҳўкмини ўқиди.

Фермерлиқни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш масалаларига ҳам катта эътибор қаратиляпти. Бу борада прокуратура органлари томонидан 89 та фермер ҳўжалигига рўйхатдан ўтиш ва банкда ҳисоб рақами очиш, 2 млрд. 242 млн. сўм кредит, 2 млрд. 97 млн. сўм иш ҳақи, 2 млрд. 751 млн. сўм нақд пул олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Уларга 36,5 млн. сўм кредитор қарзини тўлашда ва 2 млрд. 459 млн. сўм дебитор қарзларни ундиришда, 1559 гектар ер, 74893 тонна минерал ўғит, 1287 тонна нефть, 370 тона қишлоқ ҳўжалиги техникалари, 46 тонна чигит, 49 тонна бугдой, 89 қўти ипак қўрти, 184 тонна омухта ем маҳсулотларининг қонуний асосда ажратиб берилишида кўмаклашилди. Масалан, Кегейли туман ҳўкими П.Иматов "Баймурат Турк" фермер ҳўжалиги раҳбари Р.Қудойназаровани алдаб, 103,5 гектар ер майдонини қонунсиз туман ҳўкимлиги захирасига қайтариб олиб, бошқа фермер ҳўжалигига бериб юборганлиги учун жиноят иши қўзғатилиб, суд олдида жавоб бермоқда.

/Давоми 3-бетда/



Пойтахт манзаралари

Давра суҳбати

23 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари Қўмитаси томонидан "Иссиқлик таъминоти соҳасида қонун ҳўжатларини такомиллаштириш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Иштирокчилар депутатлар, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, иссиқлик манбаи қорхоналари ва ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Нуқуқ»

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан мазкур соҳа республикамиз истеъмолчиларини белгиланган тартибда иссиқлик билан узлуксиз таъминлаш, иссиқлик билан таъминловчи тармоқлар ва магистрал иссиқлик қувурлари тизимларида ягона техник сиёсатни амалга ошириш, техник жиҳатдан модернизациялаш, иссиқлик тармоқларига ноқонуний улашларнинг олдини олиш каби қатор ҳўлатларни бартараф этиш бугуннинг долзарб муаммоси эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари, давра суҳбатида иссиқлик таъминоти соҳасида амалга оширилаётган ишлар қамровига, соҳада муносабатларни тартибга солиш ва истеъмолчиларга иссиқликдан фойдала-

ниш ҳамда иссиқлик таъминоти тизимлари объектларининг самарали, ишончли ва хавфсиз эксплуатациясини таъминлаш учун етарли шароитлар яратишни ҳисобга олган ҳўлда иссиқлик таъминотининг асосий масалаларини тартибга солишчи қонун ҳўжатларини такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Бугунги кунда иссиқлик таъминоти соҳасининг меърий-ҳуқуқий базаси асосан Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва қонуности ҳўжатларидан иборат бўлиб, асосий масалаларини тартибга солишчи алоҳида қонун мавжуд эмас. Аммо дунёдаги аксарият мамлакатларда иссиқлик таъминоти масалалари қонунлар даражасида тартибга

солинганлигини учратиш мумкин. Бунга мисол тариқасида Дания, Эстония, Германия, Жанубий Корея, Чехия, Россия ва бошқа мамлакатларни келтириш мумкин. Юқоридаги таҳлиллар ва дунё тажрибасини ҳисобга олган ҳўлда "Иссиқлик таъминоти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси концепцияси тайёрланди. Концепция доирасида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси иссиқлик таъминотининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаш, иссиқлик соҳасида давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини мустаҳкамлаш, иссиқлик етказувчилар ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солиш имконини кўзда тутди.

Иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифларни эътиборга олган ҳўлда қонун лойиҳаси концепциясини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Обуна — 2013

Хўрматли юрдашлар!



2013 йилда ҳам "НУҚУҚ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АҚ ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

НАШР ТАНАҚСИ — 231

Аҳоли бандлигини таъминлаш йўлида

Аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини ўстиришнинг гоёят муҳим омилли сифатига унинг бандлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасининг янада ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш мақсадига Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни, Республика Президентининг 2007 йил 6 апрелда "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 616-сонли Қарори қабул қилинган. Мазкур қонун ва қарор ҳамда соҳага онд бошқа қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан доимий назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Хусусан, жорий йилда шаҳар прокуратураси, шаҳар ҳокимлиги ва бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ўтказилган 4 та меҳнат ярмаркасида, жами 66 та корхона, муассаса ва ташкилотлар ўзларининг 904 та бўш иш ўринлари билан иштирок этишиб, натижада 633 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳисобига 2177 та янги иш ўринлари яратилди.

Булар мактовга лойиқ. Бироқ, соҳада қонунбузилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Жумладан, жорий йилнинг май ойида шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида ўтказилган текширишда 4 та тадбиркорлик субъекти амалда

фаолиятини тўхтатмадан бўлса-да, ҳисоботларда улар фаолиятини тиклаганлиги эвазига 17 та янги иш ўринлари яратилганлиги ҳақида сохта ҳисоботлар тузилганлиги аниқланган.

Шунингдек, шаҳар бандликка кўмаклашиш марказининг 2011 йилнинг 12 ойлик ҳисоботида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 230 нафар фуқаро юборилганлиги кўрсатилган бўлиб, ўрганишда жамоат ишга ҳақиқатда жалб қилинмаган 121 нафар шахс ҳисоботларга қўшиб ёзилиб, статистик ҳисоботлар бузиб кўрсатилганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, шаҳар ҳудудидagi ўрта махсус таълим муассасаларида битирувчилар билан уч томонлама шартномаларнинг ҳаққоний тузилиши, ушбу шартномаларга асосан битирувчиларнинг ўз мутахассисликлари бўйича иш билан

таъминланиши аҳоли ўрганишда ҳам қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, Зарафшон компютер технологиялари коллежи томонидан жорий йилнинг 25 май ҳолатига 289 нафар битирувчи билан ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар тулик тузилганлиги ҳақидаги ҳисоботлар юришти келингани ҳолда, коллеж битирувчиларининг 11 нафари билан уч томонлама шартномалар умуман тузилмаганлиги аниқланган. Шунингдек, коллеж ҳисоботларида 2012 йил 17 август ҳолатига 24 нафар битирувчи иш билан таъминланмаддан қолганлиги кўрсатилган бўлиб, ҳақиқатда 70 нафар битирувчи иш билан таъминланмаганлиги аниқланган.

Зарафшон тиббиёт коллежи томонидан эса бўш иш ўринлари мавжуд бўлмаган ҳужалик

юритувчи субъектлар билан 23 нафар битирувчини ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар тузилишига йўл қўйилган етмаганидек, бир битирувчи билан тиббий ходим штат бирлиги мавжуд бўлмаган фермер ҳўжалиги ўртасида, яна бир битирувчи билан бўлса фаолиятини тўхтатган МЧЖ ўртасида уч томонлама шартномалар асоссиз равишда тузилган.

Текширишлар натижасига кўра, айбдорларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар кўзга тилиди. Шунингдек, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан шаҳар ҳокимлиги ҳамда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлари номига тақдирномалар киритилиб, шаҳар бандликка кўмаклашиш марказининг 6 нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилган.

Назоратчи ва унинг «жамоаси»

Бугунги ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Электр хонадонимизни чарогон, ҳаётимизни фаровон этаётган манба бўлиб, саннат, қишлоқ ҳўжалиги, умуман, халқ ҳўжалигининг барча соҳалари бевосита у билан боғлиқ. Қисқаси, электр бебаҳо неъматлардан биридир. Шу бойик электр қувватидан тежаб-тергаб фойдаланиш талаб этилади. Электр энергиясидан фойдаланиш қондаларига риоя этилишини назорат қилиш жойлардаги электр тармоқлари нazorатчилари зиммасига катта масъулият юклайди. Бироқ...

Ботир Дадабоев 2005 йилда Чилонзор туман электр тармоқлари корхонаси назоратчиси лавозимидан иш бошлаган эди. Кейинроқ, яъни 2009 йилдан Сергели туман электр тармоқлари корхонаси аҳоли истеъмолчилари бўйича назоратчи вазифасида ишлаш бошлади. Албатта, ҳар бир ишнинг ўзига яраша масъулияти бўлади. Б.Дадабоев ҳам ваколати доирасида ўзига бириктирилган ҳудудда электр энергиясидан фойдаланиш қондалари бузилишига йўл қўймади.

аниқланган қондаларлар юзасидан истеъмолчиларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда далолатномалар расмийлаштириш ва Сергели ТЭТ раҳбариятга тақдим этиш каби ишларни амалга ошириш керак эди. Аввалига у ўзига юклатилган вазифаларни яхши олиб борди. Бироқ йиллар ўтиб, нафс тузюгига илинганини ўзи ҳам сезмай қолди.

2011 йилнинг декабри. Тумандаги Спутник-4 мавзесида жойлашган хонадонлардан бирида яшовчи фуқаро В.Пўлатованинг хонадонидagi электр ҳисоблагичнинг муҳри бузилганини кўрган Б.Дадабоевнинг нияти бузилди. Бу ишни "сиз ҳам, кабоб ҳам қуймайдиган" қилиб битиришни режалаштирди. Аввалига бу хонадонга ҳеч қаерда ишламайдиган акиси Баҳром Дадабоев ва ш.яни Аҳмаджон Маматжоновлар билан бориб, электр ҳисоблагич муҳри бузилгани учун хонадон эгаси 4 млн. 500 минг сўм жаримага тортилиши ҳақида далолатнома тузишга киришди. Турган гапки, хонадон бекаси бунга асло рози бўлмадиганини айтиб, мурока қилишни сўраганида агар 300 минг сўм берса, электр ҳисоблагичнинг муҳри бузилганлиги тўғрисида тузилган далолатномани раҳбариятга топширмаслик ва электр ҳисоблагич ускунаси муҳрини қайта қўйиб беришини айтиди.

Аммо хонадон соҳибаси унинг бу талаби қонун-қоидага зид эканлигини тушуниб,

Расулжон БОТИР ўғли,
Сергели туман прокуратураси терговчиси

вақтини ўтказмай ҳуқуқ-тартибот органига мурожаат қилди.

В.Пўлатовадан 100 минг сўм олган Б.Дадабоев пулнинг қолганини ҳам тезлаштиришни, акс ҳолда далолатномани тегишли тартибда раҳбариятга топширишини айтиб, товламачилик қила бошлади. В.Пўлатова 7 декабрь куни унга қўнғирок қилиб, пулнинг қолганини олиб кетишни ва электр ҳисоблагич муҳрини қўйиб бериш учун қақиради. Б.Дадабоев "шоғирди" А.Маматжоновни бу вазифани бажариш учун жўнатади. А.Маматжонов хонадон эгаси В.Пўлатовадан товламачилик йўли билан талаб қилинган пулнинг бир қисми — 80 минг сўмини олган вақтда ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланади.

Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида В.Пўлатова хонадонидagi электр ҳисоблагичнинг муҳри бузилганлиги ҳолати бўйича тузилган далолатнома қалбаки эканлиги, Б.Дадабоев ва унинг "жамоаси" да бундай сохта далолатномалардан яна анча-мунча борлиги аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Сергели туман судининг ҳукми билан уларнинг ҳар бири қонуний жазосини олишди.

Мурожаат эътиборсиз қолмайди

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси бошқа ҳудудлардаги каби Сурхондарё вилоят прокуратураси органларининг ҳам доимий назоратида бўлиб келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратураси органларига жами 4299 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 1396 таси бевосита прокуратура органларида ҳал этилган. 326 таси эса қаноатлантирилган. Шунингдек, 4247 нафар фуқаро қабул қилинган.

Мазкур қонун ижроси юзасидан ўтказилган 34 та текширишлар натижасига кўра, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 45 та тақдирнома киритилиб, мансабдор шахсларнинг 60 нафари интизомий, 26 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари, фуқароларнинг мурожаатларини қўриб

қиқиш натижаси бўйича қайриқонуний ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 35 та протест келтирилиб, қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 21 та тақдирнома киритилган. 212 нафар шахсга нисбатан маъмурий, 68 нафарига нисбатан эса интизомий ишлар қўзғатилган. Судларга 650573 минг сўмлик 226 та ариза киритилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 49 та жиноят иши қўзғатилган.

Жумладан, вилоят прокуратураси томонидан фуқаро Одинаев ва бошқаларнинг мурожаати текширилганда қуйидагилар аниқланган. Маълум бўли-

шича, Сурхондарё вилоят телерадиокомпанияси директори ўринбосари жорий йилнинг январь ойида икки нафар компания ходимлари билан Бойсун туманида жойлашган 37-сонли мактабга бориб, мактабдаги иситиш печлари талабга жавоб бермаслиги, кўмир ва бошқа керакли маҳсулотлар захирасини яратилмаганлиги ҳолатларини видеотасвирга туширишган. Сўнгра, ушбу тасвирни телевидение орқали намойиш этмаслик эвазига мактаб директори ўринбосари ҳамда ҳўжалик ишлари мудиридан 300 АҚШ доллари беришни талаб қилиб, 200 минг сўм пулни олишган.

Фуқаро Г.Қурбонованинг мурожаати юзасидан ўтказилган текширишда эса, ДТ "Халқ банки" Сурхондарё вилоят 07-шохбосчаси газначиси Б.Бегимқулов "Ёшгайрат" маҳалласида яшовчи 2 ва 16 ёшгача

Жамолiddин КўЧИМОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

болаларнинг пластик картчакларга тушириши лозим бўлган нафақа пулларини ҳам тушириш йўли билан 1,083 млн. сўмини ўзлаштирилганлиги ва талон-торож қилганлиги аниқланди.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Афсуски, қилинган мурожаатлардаги ваҳжларнинг тасдиқланмаслиги ҳолатлари ҳам учраб турибди. Ўтган давр мобайнида вилоят прокуратураси органлари томонидан қўриб қилинган ана шундай аризалар муаллифларининг 49 нафарига нисбатан маъмурий ишлар қўзғатилган.

Гарчи Шаҳодат Бегматовани таниган-билганлар "Mevasabzavot-impeks" МЧЖнинг раҳбари, дея таниса-ла, аслида жамиятнинг норасмий раҳбари "Ҳамидулла" исмли шахс ҳисобланарди. Шундай бўлгач, ўз-ўзидан қўрилиб турибдики, деярли барча ишлар Ҳамидулланинг топшириғига кўра амалга оширилади. Қуйида қайда этилган ҳолатларга ҳам айнан у ҳоимийлик қилади. Аниқроқ айтганда бўлсак, Ш.Бегматова, жамият бош ҳисобчиси О.Гаппов ва бошқалар унинг амри билан қатор қонуний ҳаракатларни амалга оширилди.

Норасмий «раҳбар»

Маъруфжон АХМЕДЖАНОВ,
СВОЖДЛК Департаментининг
Шайхонтоҳур туман бўлими
бошлиғи ўринбосари

Жумладан, жамият томонидан Самарқанд вилояти Иш-тиҳон туман статистика бўлимига жамиятда ишловчилар 3 нафар эканлиги, МЧЖ қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини тайёрлаш билан шуғулланиши тўғрисида сохта маълумотлар киритилган ҳат билан мурожаат қилиб, у ердан "Mevasabzavot-impeks" МЧЖ микрофирмалар турига кириши ҳақидаги хатни олишга эришилади. Сўнгра, жамиятга хизмат кўрсатувчи ОАИТБ "Ипак йўли" ўрикзор филиалига хатининг нусхасини тақдим қилишди. Шунингдек, Шайхонтоҳур туман ДСИга 2011 йилнинг 9 ойлик фаолияти бўйича тақдим қилинган ҳисоботларга ҳам жамият қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланиш ҳақидаги сохта маълумотларни киритишди. Шу йўл билан экспорт шартномаси асосида жамиятнинг ҳисоб рақамига тушган валюта маблағининг 50 фоизли мажбурий сотувини амалга оширмаслик учун ўқеи имтиёзга эга эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилишди.

Кейин бўлса, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш фаолияти билан умуман шуғулланмаган жамият томонидан маҳсулотлар дехқонлардан нақд пулга сотиб олинади. Чет эл корхоналари билан экспорт шартномалари тузилиб, жамиятнинг валюта ҳисоб рақамига келиб тушган 660 минг АҚШ долларида 50 фоиз, яъни 330 минг АҚШ долларининг Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларига сотуви амалга оширилмайди. Бундан ташқари, 17 млн. 459 минг сўм микдоридаги ағона солиқ тўловлар ҳам қасддан тўланмайди. Қилғиликни қилиб қўйган жиноий шериклар ўз кирдиқорларини яшириш мақсадида жамиятнинг 2011 йил давридаги молиявий ва ҳўжалик фаолиятига тегишли бўлган расмий ҳужжатларни, жамиятнинг думалоқ муҳри ва бурчак штампини ҳам йўқ қилиб юборишди.

Ҳар қандай жиноят бир кун келиб қош этилади. Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди томонидан ушбу иш қўриб қилиб, айбдорларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Қишлоқ тараққиёти – фаровонлик омили


/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Прокуратура органлари томонидан Президентимизнинг 2012 йил 12 сентябрдаги "2013 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ҳам мунтазам мониторинг ўрнатилган.

Мазкур қарор ижроси бўйича ўтказилган мониторинг натижасига кўра, кузги бошоқли донни экиш тадбири аяқланаётган бир пайтда республика бўйича 1044 тонна урулгик бугдой фермер хўжалиқларига тарқатилмаганлиги маълум бўлди. Текширишлар натижасида 2153 та прокурор назорати хужжатлари қўлланилди. Бундан ташқари, назорат тадбирларида "Ўздонмахсулот" АЖ тизимидаги корхоналарда қўшиб ёзишлар ва бошқа суистеъмолчиликларга йўл қўйилганлиги оқибатида 12,6 млрд. сўмлик 37300 тонна бошоқли дон махсулотлари талон-торож қилинганлиги ҳам аниқланди.

"Андижондонмахсулотлари" АКга қарашли "Олтинкўл" дон қабул қилиш шохбачаси мудири Т.Жалилов 846,3 млн. сўмлик 1356 тонна, "Қўргонтепадонмахсулотлари" акциядорлик жамиятига қарашли "Қўргонтепа" дон қабул қилиш шохбачаси мудири Е.Омонов 111 млн. сўмлик 128 тонна бугдойни ўзлаштиргани ҳам юқоридаги фикримизга мисол бўла олади. Ўз ўрнида аниқланган ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Минерал ўғитлар билан таъминлаш, сақлаш ва ундан мақсадли фойдаланишда ҳам



қонунбузишларга йўл қўйилиши оқибатида 762 тонна минерал ўғит талон-торож қилинганлиги аниқланди. Бунга "Навоийазот" АКнинг Жомбой туманидаги минерал ўғитлар сақлаш базаси бошлиғи Х.Мамамов ва бошқалар жавобгарлигидаги 43 млн. сўмлик 147 тонна минерал ўғитни талон-торож қилганликларини мисол сифатида келтириш мумкин. Ҳолат бўйича айбдор шахслар суд олдида жавоб бермоқдалар. Бундай талон-торожликлар "Қишлоқхўжалиқимё" АЖ тизимида ҳам учрайди.

Мазкур йўналишда аниқланган қонунбузишларни бартараф этиш тўғрисида 77 та тақдирнома киритилди, ғайриқонуний хужжатларга 10 та протест келтирилди. 330 нафар мансабдор шахслар қонун талабларини бузмаслик ҳақида оғохлантилди. 571 нафар мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Етказилган 24,4 млн. сўмлик зарарлар айбдорлардан ихтиёрий ундирилди, 21 млн. сўмлик зарарларнинг ундириш юзасидан судларга 20 та даъво аризалари юборилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 38 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Қишлоқ хўжалигини сув иш-шоотлари, каналлар, зовур ва

ариқларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу масалалар ҳозирги кунда энг долзарб ҳисоблансада, айрим вилоятларда ирригация ва мелиорация тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш ишларига етарлича эътибор берилмаяпти. Бу борада ўтказилган текширишлар натижасида, 2217 та прокурор назорати хужжатлари қўлланилиб, 1932 нафардан ортиқ шахслар интизомий жавобгарликка тортилиб, ихтиёрий ундирилган пуллар миқдори 24,6 млн. сўмдан ортиқ, судларга 714,2 млн. сўмлик зарарларни ундириш ҳақида даъво аризалар юборилди. Жиддий қонунбузиш ҳолатлари юзасидан 50 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Жорий йилнинг 9 ойида прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишларда 1,8 млрд. сўмлик ирригация ва мелиорация иншоотлари талон-торож қилинганлиги аниқланиб, шундан 1,5 млрд. сўмининг ундирилиши таъминланди.

Ёнилғи-мойлаш махсулотлари ва қишлоқ хўжалиғи техникаларининг сақлиниши ҳамда талон-торож қилинишининг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида 298 тонна ёнилғи-мойлаш махсулотлари, 461

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

млн. сўмлик қишлоқ хўжалиғи техникалари ва эҳтиёт қисмлари талон-торож қилинганлиги аниқланиб, айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Қишлоқ хўжалиғида иш ҳақи, кредит ва бошқа маблағларнинг мақсадли сарфланиши таъминланмаганлиги оқибатида, шунга йўналтирилган 1,8 млрд. сўм маблағ талон-торож қилинганлиги аниқланиб, прокуратура органларининг аралашуви билан 743 млн. сўмдан ортиқ зарарларнинг айбдорлардан ундириб олинишига эришилди. Мисол учун, Тошқот МТП мансабдор шахслари 79 млн. сўмлик иш ҳақини, 401 млн. сўмлик муддати ўтган дебитор қарзларни, Оқдарё МТП мансабдор шахслари эса ишчи ва хизматчиларнинг 86,9 млн. сўмлик иш ҳақини муддатида тўлаб бериш чорасини кўрмаганликлари учун жиноят иш қўзғатилиб, қонуний чоралар қўрилмоқда.

Қишлоқ хўжалиғи корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган 1 млрд. 867 млн. сўмлик бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланганлиги аниқланиб, прокуратура органларининг аралашуви билан 732 млн. сўмдан ортиқ зарарларнинг айбдорлардан ундириб олиниши таъминланди.

Ачинарли жиҳатлардан яна бири, қишлоқ хўжалиғи корхоналари томонидан бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Масалан, Китоё МТП раиси Ш.Сиддиқов ва бош ҳисобчи С.Шоимовлар 641 млн. сўмлик солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин

товлаб, 50,3 млн. сўмлик иш ҳақини тўлаш чорасини кўрмаганликлари учун суднинг ҳукми билан жазоланди.

Чорвачилик соҳасида ўтказилган назорат тадбирларида 1 млрд. 54 млн. сўмлик 8704 бош чорва моллари талон-торож қилинганлиги ҳолатлари бўйича 31 та жиноят ишлари қўзғатилди. Фориш туманидаги "Дарбоза" ширкат хўжалиғи бош чўпони Қ.Қўйжигитов жавобгарлигидаги 73 млн. сўмлик 647 бош, Кармана туманидаги "Кармана" ширкат хўжалиғи бош чўпони Б.Ҳалимов 55 млн. сўмлик 705 бош, Кони́мех туманидаги "Кони́мех" ширкат хўжалиғи бош чўпони Ж.Ибраев 41 млн. сўмлик 345 бош чорва молларини талон-торож қилганликларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Хусусан, озуқа базасининг етишмаслиги, чорва молларини сақлаш биноларининг талаб даражада эмаслиги, ветеринария хизматлари фаолиятидаги жиддий нуқсонлар мавжудлиги тўғрисида 45 минг 987 бош чорва моллари ҳар хил касалликларга чалинганлиги оқибатида уларнинг бири қисми мажбурий сўйилиб, бири қисми эса ҳаром ўлишига йўл қўйилган.

Биргина мисол, "Дельфин" МЧЖ мансабдор шахсларининг ноқонуний равишда чечак касаллигига қарши эмламани муомалага киритиши оқибатида Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах, Зомин, Зарбдор, Фориш ва Янгиобод туманларида 824,3 млн. сўмлик 2944 бош майда шохли молларнинг ялли қилиб кетишига сабаб бўлган.

Бундай қонун бузилиши ҳолатлари Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳам аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, қонуний чоралар қўрилмоқда.

Ҳуқуқий ҳимоя таъминланмоқда

Шерали СУЮНОВ,
Бахмал туман прокурори

Бугун қай бир ташкилот ёки муассаса бўлмасин, мурожаатлар юзасидан фуқароларни қабул қилиш жойлари ва вақтлари кўрсатилган ёзув тахтасига кўзингиз тушади. Бу албатта, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларнинг талаби ҳисобланади. Мазкур қонун-қондалар бузишми-чи?.. Унда фуқаронинг қонунийлик нисбатан ишончи йўқолади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда Бахмал туман прокуратураси томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан доимий назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, туман прокуратурасига жорий йилнинг 9 ойида фуқаролардан ва юридик шахслардан жами 313 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Бу ўтган йилга нисбатан 110 тага ёки 65 фоизга кўпайганлигини кўрсатмоқда. Ҳисобот даврида 71 та мурожаатлар туман прокуратураси томонидан текширилиб, қонуний ҳал этилди. Ҳал қилинган аризаларнинг 23 таси ёки 32 фоизи қаноатлантирилиб, жами 30 нафар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари тикланди.

Туман прокуратураси томонидан ўтган 9 ой давомида мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш ҳақида ваколатли идораларга 2 та тақдирнома киритилди, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ҳақида 6 та протест келтирилди. Шу билан бирга, 2 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида оғохлантилди, 2 нафар шахс интизомий, 3 нафари маъмурий ва 1 нафар шахс моддий жавобгарликка

тортилди. Фуқаролар манфаатига етказилган 41 млн. 852 минг сўм зарарни ундириш ҳақида судга 6 та даъво аризалари киритилиб, 1 млн. сўмлик етказилган зарарнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланди.

Тумандаги ҳокимлик, ИИБ, ДСИ ва бошқа тегишли назорат идоралари ҳамда корхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда қонун талабларига тўлиқ риоя этилмасдан келинган ҳолатлар учради. Улар асосан фуқароларни қабул қилиш ва мурожаатларни ваколатлари доирасида ҳал этишга масъулиятсизлик билан ёндашган. Шу боис фуқаролар ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклашда ёрдам сўраб, прокуратура органларига мурожаат қилганлар. Жумладан, туман прокуратураси томонидан фуқаро Б.Шавалиевнинг туман ҳокимлиги мансабдор шахслари ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси текширилганида, туман ҳокимининг 2007 йил 26 апрелдаги 384-сонли қарори билан Бахмал тумани Қалатой МФЙ Мустақиллик кўчасида Б.Шавалиевга тегишли савдо дўкони биносининг эгаллаб турган ер майдони билан хатловдан ўтказиш тўғрисидаги даълолатномаси тасдиқланди. Сўнг фойдаланиб келаётган савдо дўкони биносига мулк ҳуқуқи, эгаллаб турган ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи берилиб, бино 1 қаватли, майдони 73,16 м², умумий ер майдони 100 м²дан иборатлиги қайд этилиб, кадастр хужжатлари расмийлаштирилган.

Кейинроқ туман ҳокимининг тегишли қарори билан туман марказида жойлашган "Ойқор" кинотеатри биноси

мавжуд ер майдони ва "Ойқор" кинотеатри ҳудудида жойлашган фуқаро Б.Шавалиевга тегишли савдо дўкони биноси бузиш ва бошқа жойга кўчириш таклифи берилди. Бироқ, унга савдо дўкони қуриш учун бошқа ҳудуддан ер майдони ажратилмай, бузиш билан боғлиқ харажатларни ҳамда савдо дўконининг ҳозирги кундаги қийматини қоплаш учун маҳаллий ҳокимлик томонидан бюджетда маблағ танқислиги рўқач қилинб, фуқаронинг қонуний манфаатлари бузилади.

Текшириш натижасида, туман прокуратураси томонидан Бахмал туман ҳокимлиги зиммасига фуқаро Б.Шавалиев фойдасига унга тегишли бўлган Қалатой МФЙ Мустақиллик кўчасида жойлашган савдо дўкони биносини бузиш билан боғлиқ харажатларни ҳамда ушбу савдо дўконининг ҳозирги кундаги 27 млн. 169 минг сўм қийматини тўлаш мажбуриятини юклash ҳақида фуқаролик судига даъво аризаси киритилди.

Шунингдек, туман ҳокимлиги масъул ҳокимлари томонидан тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижаси бўйича муаллифларга алоҳида жавоб хатлари ёзилмасдан, туман ҳокими номига ёзилган маълумот, билдирги ва бошқа хатлар нусхалари юборилган. Бу ерда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талаблари бузилиб, тадбиркорлик субъектлари раҳбарларига ёки фуқароларга мурожаатни кўриб чиқиш натижасидан норози бўлган тақдирда, юқори турмучи органга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилмаган.

Бундан ташқари, туман прокуратура-

си томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини қучайтириш тўғрисида"ги 87-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқиб, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш мақсадида прокуратурада ташкил этилган "007" рақамли ишонч телефони орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси таъминланмоқда.

Бу борада жорий йилнинг 9 ойида "Ишонч телефони"га жами 7 та мурожаат бўлиб, барчаси қонуний ҳал этилди. Мазкур даврда 645 нафар тадбиркорлар (шундан 440 таси хусусий тадбиркор, 205 нафари фермер хўжаликлари раислари ва ишчилари) билан 23 марта учрашувлар ўтказилди. Мисол учун, "Нурмаат Нормат ўғли" фермер хўжалиғи раиси Н.Қудратов туман прокуратурасига мурожаат қилиб, жорий йил ҳосили учун 40 гектар ғалласини ўриб-йиғиб олишга зарур бўлган ёнилғи-мойлаш махсулотлари учун етарли пул маблағлари ўтказиб берилган бўлса-да, "Тараққиёт" ФЭТШ раҳбари томонидан ёқилги махсулотлари тўлиқ етказиб берилмаётганлигини баён қилиб, амалий ёрдам кўрсатишни сўрайди. Туман прокуратураси томонидан мазкур мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида фермер хўжалиғига ёнилғи ажратилиши таъминланди, ФЭТШ раҳбарига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Самарқанд вилоят ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда "Жиноят-процессуал қонунчилигининг такомиллаштирилиши — суд-ҳуқуқ ислохотларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини мустақкамлаш борасидаги муҳим босқичи" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Қонунчиликни такомиллаштириш инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янада мустақкамлайди

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Нуқуқ»

Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, жиноят ишлари бўйича вилоят судлари судьялари, прокурорлар, прокуратура ва ички ишлар органлари терговчилари, адвокатлар, адлия ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок эттишди.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари, унинг амалий натижаларини таҳлил қилиб, мазкур ислохотлар биринчи навбатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтирилишига хизмат қилаётганлигини таъкидладилар.

— Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёни аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, конституциявий тузумни, қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташев. — Юртимизда Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судларидан иборат ахлит суд тизими ташкил этилди. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ихтисослашуви амалга оширилди. Судья кадрларни танлаш ва тайинлашнинг самарали ҳамда демократик ҳуқуқий механизми яратилди. Хусусан, суд тизимидаги кадрлар масалалари билан шугулланиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Судьяларни танлаш ва лавозимларга тасвир этиш бўйича олий малака комиссияси фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, адвокатура институтининг такомиллаштирилиши фуқароларга нафақат жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, балки фуқаролик ишларида ва ҳўжалик низоларини кўриб чиқишда ҳам малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитларни яратди.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг яна бир муҳим кўринишларидан бири жиноий жазоларнинг либераллаштирилишидир. Жиноий жазолар либераллаштирилишига қадар, масалан, 2000 йилда судланганларнинг деярли ярмига қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланган. Жиноий жазолар либераллаштирилгандан сўнг, хусусан, 2012 йилнинг биринчи ярмида эса судланганларнинг 68,2 фоизига нисбатан жамият ва оиладан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилган.

— Жиноятлар таснифининг ўзгаририлиши ва жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг судлар томонидан кенроқ тайинлалишига йўл очиб берди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Т.Турсунов. — Хусусан, 2001 йилда судланганларнинг 7,2 фоизига жиноий жазо сифатида жарима тайинланган бўлса, 2012 йилнинг биринчи ярмида бу рақам 15,1 фоизни ташкил этди. Ушбу давр ичида ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазони тайинлаш ҳоллари судланганларнинг умумий сонига нисбатан 21,5 фоиздан 36 фоизгача, шартли ҳукм қилиш ҳоллари эса 7,9 фоиздан 11,6 фоизгача ошди.

"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да кўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ва парламент томонидан қабул қилиниб, 2012 йил 18 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришда муҳим қадам бўлди. Мазкур қонунга кўра, айбланувчини лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш суд тартибиде амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Бу ўз навбатида жиноят процессининг судга қадар иш юришти босқичида суд назоратини кучайтириш бариберида кўрсатилган процессуал мажбурлов чораларини қўллашда ҳолислик, адолатни таъминлаш ҳамда мазкур процессуал мажбурлов чораси қўлланилаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Семинар иштирокчилари қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини суд томонидан қўлланилиши борасида ўтган даврда ортирилган тажрибани ўрганиш асосида айбланувчини лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш масаласида судга илтимоснома киритиш ва бунин судда кўриб чиқилишнинг тартиб-тамоийларини амалиётга жорий қилишда қонун талабларини бажариш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билан алмашдилар.

Семинар якунида мавзуга доир тақлифлар ишлаб чиқилди.

Келажагимизнинг мустақкам пойдевори

Алишер ТЕШАЕВ,
Навоий вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Мустақил мамлакатимиз Конституциясининг қабул қилинганига ҳам йигирма йил тўмоқда. Йиллар ўтгани сайин биз ушбу тарихий ҳужжатнинг давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида турган ўрни ва аҳамияти, қадр-қиммати тобора ортиб бораётганини янада тереңроқ ҳис этмоқдамиз. Зеро, Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясини қабул қилиш билан дунёга давлат суверенитети ҳамда инсон ҳуқуқлари муқаддаслиги гоёларига солиқлигини расман эълон қилди. Шу дақиқадан эътиборан халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Юртимиз жаҳонга бўй кўрсатди. Бош Қонунимиз халқимизнинг келажака бўлган ишончини мустақкамлади, эзгу мақсадлар атрофида бирилаштири, ўтиш даврининг турли синовларини мардона енгиб ўтишга руҳий ва маънавий малака берди.

Дарҳақиқат, Конституциямиз мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, демократик янгиланишлар, инсон ва унинг манфаатлари устуворлиги таъминланган одил демократик жамият қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асосини яратиб, мустақил давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеи ва обрў-эътиборини оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Мустақил давлатимизнинг Конституциясини қабул қилиш жараёнида халқимизнинг хоҳиш-иродаси, даҳолик қудрати, юксак интеллектуал салоҳияти, асрлар давомида шаклланган миллий ҳуқуқий тафаккури намоён бўлди. Унинг лойиҳаси Президентимиз раҳбарлигидаги комиссия томонидан қайта-қайта ва жиддий ишланганидан кейингина республика Олий Кенгаши сессияси муҳокама-сига тақдим этилди.

Асосий Қонунимизнинг ҳар бир бандида асрлар давомида шаклланган миллий тафаккур, муқаддас қадриятларимиз ўз аксини топган. Миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган одадийлик, бағрикенглик, олижаноблик, танглик, мардлик каби улғу фазилатлар, тенглик, биродарлик, халқлараро ва миллатлараро дўстлик сингари умуминсоний қадриятлар унинг ҳар бир сатрига сингдириб юборилган. Бунинг шунчаки баянлаб-воз сўзлар эмаслигини мамлакатимиздаги тинчлик-товуқлик, бирдамлик, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эришилаётган ютуқлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Истиқлол ва Конституция Ўзбекистонини жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида олиб кирди. Унинг 17-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир", — дея белгилаб қўйилди. Ҳозирги кунга келиб, республикамиз халқаро ҳамжамиятининг фаол аъзоларида бирига айланди ва ўз ташқи сиёсатини юриштида Конституцияда белгилаб қўйилган тамойилларга қатъий амал қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мустақиллик гоёларига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг Конституцияда белгиланган кафолатларига асосланган изчил ички сиёсати бизни нафақат иқтисодий таназулдан, балки маънавий иқтидордан ҳам асраб қолди.

"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар", — дейилди Асосий Қонунимизнинг 18-моддасида. Шубҳасиз, Конституциямизда ўз ифодасини топган фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш давлатимизнинг диққат-марказида турган энг

долзарб масалалардан биридир. Собик мустабид тузум даврида барча мулкнинг, бойликларнинг ҳақиқий эгаси фақат давлат бўлиб, унинг манфаатлари фуқаро ва жамият манфаатларидан устун қўйиб келинар эди. Конституциямиз бу масалада ҳам ҳаётимизда туб бурилиш ясади. Унинг 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул экани белгилаб қўйилди. Шунингдек, Бош Қонунимизда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ҳамда бошқа ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларига давлат қарзиди эканлиги қайд этилди. Чунончи, Асосий Қонуннинг 25-моддасига кўра, ҳар ким эркинлик ва шахсий даҳлислик ҳуқуқига эга бўлиб, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда бу ҳуқуқлардан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Конституция билан кафолатланган иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларнинг амалдаги ифодаси кучли ижтимоий ҳимоя принципларида тўла намоён бўлди. Зеро, давлатнинг қудрати унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламларининг турмуш даражаси билан белгиланади. Шу боисдан ҳам, Бош Қонунимизда "воёга етмаган, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир", — деб мустақкамлаб қўйилган. Ана шу конституциявий норманинг ҳаётдаги ифодаси ўларок, Ўзбекистонда ижтимоий адолатга асосланган кучли ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг устувор йўналиши ва асосий тамойилига айланди.

Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларни тақсимлаш тамойили асосида амалга оширилди. Бунда муҳим конституциявий меъёр — давлат ҳокимиятининг урта мустақил тармоққа бўлиниши — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг бир-биридан мустақиллиги тамойилига қатъий амал қилинди.

Конституциямизда хусусий мулк тан олиниб, қонун билан ҳимоя қилинишининг кафолатлангани шўролар даврида тағалган ҳақ-ҳуқуқларимиз ва ижтимоий адолат қайта тикланганининг ёрқин намунасиридир. Конституциявий кафолат эркин бозор муносабатларига ўтиш, мулкдорлар табақасини шакллантириш, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатида кенг йўл очиб берди. Мулкнинг давлат тасаруфидан чиқарилиши, хусусийлаштириш жараёнида кўп тармоқли мулкка асосланган иқтисодий тизимни вужудга келтирди. Бугунги кунда ўз мулкнинг ҳақиқий эгасига айланган мулкдорлар сектори ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг чинакам таянчига айланмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, ўтган йиллар давомида қонун чиқарувчи ҳокимият жамияти-

мизнинг барча соҳаларидаги муносабатларни тартибда соловчи ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш, шу асосда қонунчилигимизни янада мукамаллаштириш вазифасини шараф билан удралади. Бунинг амалдаги ифодасини кейинги йилларда узокни кўзлаб қабул қилинган бир қатор муҳим қонунлар мисолида кўриш мумкин.

Конституцияда белгиланганидек, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсатининг боз вазифасидир.

Эркинлик сиёсати суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига қамраб олди. Адвокатура тизимини янада такомиллаштириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш учун кенг қўлмада иш олиб борилади, шунингдек, судлар мустақиллигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари мукамаллаштирилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар бевосита эркин ва озод шахсни тарбиялаш вазифасига хизмат қилмоқда. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, уларни ҳимоя қила олиши давлатимиз ҳуқуқий тарбия дастурининг ўзгичани ташкил этади. Бу вазифани ҳал этишда, энг аввало, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий онгини ошириш борасида самарали чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёни ўсиб келаётган ёш авлодни Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашни, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни зарурат қилиб қўйди. Бу эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Шу боисдан ҳам Президентимиз: "Олдимизда турган барча гов ва тўсиқларни енгитиш жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан куrolга айланадиган куч — бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтириш", — дея жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни қучур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркорлигига алоҳида ургу берган эди. Шу туйғули мамлакатимиз Бош Қонунини болалар боғчаларида ўргатиш, мактаблар ва олий ўқув юртиларида махсус дарс сифатида ўқитиш масаласи муваффақиятли ҳал этилди.

Конституциямиз ўтган йигирма йил давомида давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитган сиёсий ҳужжат сифатида намоён бўлди. Конституция тинч ва осойишта ҳаётимизнинг, ёрқин келажагимизнинг мустақкам ҳуқуқий пойдеворида айланди. У ҳар биримизни Ватан ва халқ манфаатлари, буюк давлатнинг ёрқин келажаги ва Конституцияда белгилаб қўйилган улғу мақсадлар йўлида янада маҳкам жипслаштириди.

Конституция ва қонун устуворлиги



Мустақилликка эришгач, мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларда туб янгиланишлар даврига қадам қўйди. Ўзбекистон эркин бозор иқтисодиёти ва кучли ижтимоий ҳимоялаш тизимига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан замил бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ушбу мақсадлар йўлига муҳим ҳуқуқий замин, жамиятимизда барқарорлик, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий Қонун амалда бўлган йигирма йиллик тажрибамиз шундан далолат бермоқдаки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарган, ҳокимиятларнинг бўлинишига асос солган, халқ суверенитетини, хусусий мулкни тан олган, кўппартиявийлик асосларини яратган, яқна давлат мафкурасидан воз кечган Конституциямиз ушбу вақт мобайнида ҳар бир фуқаронинг ҳаётига кириб борди. Конституция демократия ва қонунийликни таъминлаш, халқро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган норма ва принципларини тан олиш, инсонларвар ҳуқуқий жамият барпо этиш каби олижаноб мақсадлар йўлида қабул қилинди. Конституция жамиятда демократиянинг ривожланиши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг, шунингдек, мамлакатни демократик йўлдан тараққий эттиришининг ҳуқуқий кафолатидир.

Демократик жамиятнинг халқро миқёсда эътироф этилган бир неча умумий тамойиллари мавжуд. Жумладан, инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озиқликнинг кўпчилиikka бўйсунни, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклландирилган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради. Бу тамойиллар деярли барча ривожланган демократик мамлакатларнинг конституцияларида, шунингдек, бизнинг Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-боби Конституция ва қонуннинг устунлигини мустаҳкамлаган. Чунончи, Асосий Қонунимизнинг 15 ва 16-моддаларига биноан, Ўзбекистон Республикасида Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансбодор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва

қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Конституциянинг бирорта қондаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга нормалари ва қондаларига зид келиши мумкин эмас.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Улуғ бобокалонимиз Амир Темурайтганидай: "Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади".

Маълумки, ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири — бу инсонларвар гоёлар билан суғорилган қонунларга оғишмай риоя қилиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборатдир. Мана шундай ўта масъуляти ва улуғвор вазифаларни бажаришда давлат ҳокимиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган прокуратура органларининг роли каттадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Адолат — қонун устуворлигида" деб номланган маърузасида таъкидлаганидек, "Прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини қандай ҳимоя қилинаётгани прокуратура нazorати объекти ҳисобланади. Прокуратура фаолиятига улар томонидан кўзатишган жиноят ишлар ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилинишининг ҳолатига қараб баҳо берилади". Президентимизнинг мазкур фикрлари фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида Ўзбе-

кистон Республикаси прокуратура органлари тизимида олиб борилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун амалга оширилаётганлигидан ёркин далолат беради.

Президентимиз бошчилигида изчиллик билан амалга оширилаётган ҳуқуқий давлатни куриш ва суд-ҳуқуқ ислохотлари даврида прокуратура органлари фаолиятининг тақомиллаштирилишини тақозо этганлиги боис, 2001 йил 29 август куни "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди. Унга кўра, прокурор назорати объектдан фуқаролар чиқарилди, чунки демократик жамиятда прокурорлик назоратининг объекти фуқароларнинг ўзи эмас, балки уларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши бўлиши лозим. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланидиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш каби асосий вазифалари янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда тўла-тўқис ўз аксини топди. Мазкур вазифаларни амалга оширишда прокуратура органлари ўз фаолиятларини бир қатор принциплар асосида олиб боради. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни 5-моддаси талабларига кўра, прокуратура органлари ўз фаолиятида қонунда мустаҳкамланган бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик принципларига таянади. Прокуратура органларининг бирлик ва марказлашганлик принципи прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этиши ҳамда қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатишини билдиради. Ушбу принцинга асосан, юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёҳуд унинг ҳар қандай, шу жумладан, процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир, шунингдек, у ўз бўйсунувиданги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобдир.

Қонунийлик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Конституциянинг ва Ўзбекистон Республикаси

қонунларининг сўзсиз устуворлиги тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансбодор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ ҳаракат қиладилар. Прокуратура органлари ўзларига юклатилган қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари, халқро шартномаларга асосан амалга оширадilar. Қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишидан ҳар қандай чекиниш, бу чекиниш қандай асосларда юз берганлигидан қатъи назар, қонунбузилиши ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Мустақиллик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 120-моддаси нормаларига асосланган бўлиб, прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансбодор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишини назарда тутлади. Прокуратура органларининг фаолиятига аралашини тақиқланади. Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўқсинлик қилиш, унинг дахлсизлигига таъжовуз қилиш, шунингдек, прокурор ёки терговчининг руҳсатсиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Ундан ташқари, "мустақиллик" принципи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокуратура органларининг фаолияти юзасидан фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисининг Сенати олдида ҳисобдор бўлганлигида ҳам ифодаланади.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар. Ушбу норманинг белгиланиши прокурорга ўзининг қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат фаолиятини амалга оширишда сиёсий партиялар ва бошқа органлардан мустақиллигини таъминлайди.

Прокуратура органлари ходимлари ҳақ туланидиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шугулланиши мумкин эмас. Улар илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан фақат асосий ишдан бўш вақтда шугулланиши мумкин. Бу чеклов прокурорларнинг ўзлари қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилаётган қорхона, муассаса ва ташкилотлар билан меҳнат муносабатларига киришишмасликлари учун белгиланган.

Ойбек ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
транспорт прокуратураси АМИБ
катта терговчиси

Шу ўринда таъкидлаш керакки, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунига кўра, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот беришлари назарда тутилди (Қонуннинг 5-моддаси). Дарҳақиқат, прокуратура органлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари каби ўз фаолиятларини жамиятдан ажралган ҳолда амалга ошира олмайди. Шунинг учун ҳам прокуратура органлари жамиятда қонунийликнинг тўлиқ таъминланишида жамоатчилик ёрдамига таянишлари талаб этилади, зеро, бусиз ҳуқуқий давлат куриш йўлида турган жиноятчиликни ва уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилишдек вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш қийин кечади. Прокуратура фаолиятида ошкораликнинг таъминланиши жамоатчиликнинг фикрини ҳар томонлама ҳисобга олишга имкон беради, улардан қонунбузилиш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган ҳар бир масалани ҳал қилишда фойдаланилади. Шунингдек, фуқаролар, жамоат бирлашмалари ва жамоалар ёрдамида қонунбузилиш ва уни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этади, қонун устуворлигини таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларидан фавол фойдаланилади.

Хулоса ўринда шуни таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари мамлакатимиз Конституциясида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган, жамиятда қонун устуворлиги ҳамда қонунийликни таъминлашда ўзига хос муҳим ўринни эгаллаб турувчи давлат органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари ҳам мамлакатимиз Асосий Қонунда белгиланган қўйилган функциялардан келиб чиқади. Конституция ва қонунларимизни ҳурмат қилиш, ундаги қондаларни пухта эгаллаш ва уларга риоя этиш, ўз навбатида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришининг муҳим шартларидан биридир.

Мамлакатимиздаги ҳуқуқий ривожланишлар даврида яшаётган халқимиз, бу жараёнда бевосита иштирок этиб, истиқлолнинг истиқболли йўлини мустақамлаш, демократик ривожланган фуқаролик жамиятини барпо этишдек устувор вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бунга эса муътарам Юртбошимизнинг "... олиб борилаётган ислохотларга халқимизнинг дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда..." деган фикрлари яққол мисол бўлади. Мустақиллигимизнинг ўтган 21 йиллик даври ичида амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, маъноси, аҳамияти ҳақида сўз юритилганда, бу жараёнлар қанчалик келажакни ўйлаб амалга оширилганлигини, ҳатто хорижий давлатларнинг сиёсатчи-экспертлари ҳам теран англаган ҳолда, ижобий эътироф этаётганлигининг гувоҳи бўлапмиз.

Жамоатчилик назорати

уни кучайтириш давр талаби

Отабек ФУЗАЙЛОВ,
Юқори Чирчиқ туман прокурори

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган ғояларни ўзида мужассам этиб, 2012 йилда қабул қилинган "Демократик ислохотларни янада қучурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг туб замирида мамлакатимизнинг бундан кейинги ривожланиш йўли аниқ белгилаб берилган. Унинг мазмун-моҳиятига назар ташласак, бу борада қабул қилинаётган янги қонунларнинг ўзи фуқаролик жамиятини ривожлантиришга, яъни демократик ўзгаришларни қамраб оладиган ислохотларга кенг йўл очиб бермоқда. Ўтган вақт давомида қабул қилинган аксарият қонунларни таҳлил қилар эканмиз, унинг Концепция билан боғлиқлигини, унда белгилаб берилган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилаётганлигини кўрамиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги ҳамда суд-ҳуқуқ тизими бўйича қабул қилинган янги қонунлари юқоридаги фикримизга аққол далил бўлади.

Айниқса, Концепцияда белгиланган устувор вазифалардан бири бу давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг янги босқичи, яъни "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (78,90,93,96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасини демократлаштиришдаги муҳим кадам бўлди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда айна парламент ва жамоатчилик назоратининг кучайиши қонунларнинг турли соҳаларга дахлдор қисмларининг жойлардаги ижроси ҳар бир фуқаронинг қонун устуворлигини таъминлашга бўлган масъулиятини оширади. Булардан келиб чиқиб, мамлакатимиз раҳбари концепцияда "Ўзбекистон Республикасининг жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш лозимлигини таъкид этди. Яъни, 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма мажлисида муътарам Юртбошимиз "... давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга... фурсат етди" деган эди. Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик жамиятнинг устувор белгиларидан бири бўлган жамоатчилик назорати қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар ижросининг тўлақонли амалга ошишида муҳим ўрин тутди.

Шу ўринда яна Юртбошимизнинг парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида "... Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари Кенгашлари олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир..." деб таъкидлаб, давлатимиз томонидан тасдиқланган дастурлардаги кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий кенгашларга сайланган халқ депутатлари томонидан жойларда қонунлар ижроси самарадорлигини ошириш бора-сидига фаолиятини кенгайтириш лозимлигига ишора қилмоқда. Бу билан бир қаторда, ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан маҳаллий кенгашлар ва депутатларнинг назорат функцияси такомиллаштириб борилса, фуқаролик жамияти сари илдам кадам ташлашда муҳим омил бўлади.



Бугуннинг ёшлари

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»



Юртдошларимиз давлатимиз мустақилликка эришиш арафасида, 1990 йилда Президент Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзларини жуذا яхши эслайди: "Қадрлардан самара олиш учун уларни тайёрлашга маблағ сарфлаш лозим. Агар биз ҳақиқатан ҳам қашшоқлик ва қоқоқлик кишанларидан қутулмоқчи бўлсак, ёшларни тайёрлаш билан жуذا жиддий равишда шугулланишимиз, замонавий касбни эгаллашга уларга ёрдам беришимиз керак. Бу соҳада хасислик ярамайди!"

Дарҳақиқат, устувор вазифалар Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг моҳиятини тушунган, бозор иқтисодининг маърифий йўналишларини эгаллаган ҳамда унда бевосита иштирок эта оладиган, эркин ва бунёдкор шахсларни тарбиялашга қаратилди. Бу вазифалар миллий мафқуранинг ҳаётлиги таъминлаш, ижтимоий нуқсон, камчиликларни рўй-рост таҳлил қилиш, уларга барҳам бериш орқали амалга оширилди. Айни пайтда, мафқуравий курашларнинг глобаллиги, дунё мексисда, ҳар бир йўналишда ўз таъсир кучига эга эканлигини, бунда миллий ўзликини мустақамлаб боришга эътибор қаратиш, жаҳон мафқуравий сиёсий кураш моҳият-манзарасини очиб бериш каби вазифаларни ёшлар онгига сингдириб бориш белгиланди. Биз орзу қилган авлод қиёфаси ва унга юкланадиган масъулият мезонлари ана шу аъёнларга содиқлик намуналари билан мужассамлашган.

Кечагина "Мустақиллик бизга нима беради?" дегувчилар, мураккаб, аммо шарафли қадамлар сонини четдан санаб турганлар ёки бўлмаса, бунёдкорлик жараёнларининг моҳиятига етмасдан кузатувчи бўлганлар, ор-номус, миллат шавқи тушунчалари ҳақида гап кетганда мийғида тиржайиб қулганлар бор эди. Аммо истибдод замонларидан ортиб келган бундай иллатлар қуллик ва мутелик занжирини билмаган, мустақил Ватанда вояга етган ёшлар шижоати олдида чекинди. Биз эски, умрини яшаб бўлган мафқуравий қарашлари қотиб қолган ва ана шу қарашлари билан, очигини айтганда, кун қуриб юрган, янгилликка изн бермасдан, шамол эсган тарафга мослашадиган кимсалар билан курашдик.

Мустақиллик даврида эришилган ютуқларимиз — бу ёшларимизни ташқи мафқуравий таъйик ва ташвиқотлардан ҳимоя қилишга, миллий ҳақиқатларга содиқ авлоднинг шакллантиришга қаратилди. Ва бундай сиёсат ўз самарасини кўрсатди. Зеро, ўтиш давридаги зиддиятлар, курашлар мазмун-моҳиятини англаш, бунёдкорлик машаққатлари ва изтиробларини сабр-қаноат билан енгиш, ягона оила — Ватан атрофида бирлашиш, унинг таш-

вишларига шерик бўлиш каби туйғуллар билан ёшларимиз улғаймоқда.

Ёшларни диний ақидапарастлик таъқибидан, тажовузга бурканган жаҳолатдан, ёвузликдан бегоналаштиришга уринган ҳаракатлардан сақлаб, қадриятларни "хурофот" деб тарғиб қилган, бебosh турмуш тарзини, беандишаликни "эркинлик" деб билган, демократияни шийор қилиб, ўз мафқурасига тортмоқчи бўлган инқилобчиларга қарши курашдик.

Кузатувчанлигим сабаб ёшларнинг фикри ва дунёқараши мени доимо ўзига тортади. Баъзан уларнинг сўхбатларини эшитиб, ҳайрон қоламан, ҳавас қиламан.

Бугун ёшларимиз жаҳонда маъжуд бўлган деярли барча техника, технология ва фан сирларини эгаллаб бўлди ёки ҳеч бўлмаганда, у тўғрида маълумотга эга. Компьютер ва бошқа техник дастгоҳлар улар учун қундалик эҳтиёжларига айланган. Очигини айтсам, улардан орқада қолмаслик, замон талабларига мос кадам ташлаш учун мен ҳам шунга интиламан, билмаганларимни 8-синфда ўқийдиган қизамдан сўрашдан гоҳ ийманаман, гоҳ... "Болалигимда сендагидек имкониятлар менда ҳам бўлганида эди..." деб қўяман баъзида уялганимни сездирмаслик учун. Аммо бу сўзлар чин юракдан айтилди.

Ҳа, ёшларнинг дунёқараши замон ва макон билан ҳамнафас. Улар шиддат билан ўзгариб бораётган жараёнлар соҳиб, ишонч билан истаган маданият ва тилдаги одамлар билан хоҳлаган мавзуда сўхбат олиб борадилар.

Ёшларга ҳавас қилмасликнинг илоҳи йўқ. Баъзан уларнинг олдида катта ёшлар хижолатда қолади. Негаки, ёшларидан арзигулик бйрон-бир оламшумул нарсани гапириб беришга ожиз бўлиб қолади киши.

Ростда, қишлоқдан шаҳарга келсак, шунинг ўзи биз учун оламшумул воқеа бўлар эди.

Бугунги ёшлар мустамлакачилик, эрксизлик, ҳақорат ва таҳқирлар, миллий ғурур ва шавънинг топтилиши нима эканлигини билмай улғайишмоқда. Мустақилликнинг ёшлари Ватан тақдирини ўзининг тақдир билан боғлаган, баландпарвоз шийорий сафсата-

лардан холи, янги интеграцион жараёнларга мос касб-корга эга бўлаётган, баъзан ўжар, чапани ўғил-қизлардир. Ёшларимиз томонидан амалга оширилаётган ишларнинг минглаб мисолларини келтириш мумкин. Мустақиллик шарофати билан тикланган маънавий меросимизни ўрганишда, урф-одатларимизга риоя этишда, мутафаккир ва алломаларимиз билан фахрланишда, ўз давлати мадҳиясини куйлашда, миллат байроғи билан мағрурланишда, "Ватаним ва Президентимга хизмат қиламан!" деган сўзларида ғурур туйғуси устувор бўлган янги авлод нафақат мамлакатимизда, балки дунё саҳнада бўй кўрсатмоқда.

Қадрлар тайёрлаш миллий Дастури ўз-ўзидан ёки тасодифан пайдо бўлган эмас. Даставвал белгиланган мақсад мустақилликни мустақамлаш ва унинг абадийлигини таъминлашдек улғу вазифаларга қаратилди. Ушбу мақсаднинг муҳим, давлат учун стратегик аҳамиятга молик эканлигини англаш, қолаверса, янги авлод қиёфасини тасаввур этиш, уни ўтмиш сарфитларидан батамом халос қилиш, албатта, турли машаққат ва қийинчиликлар билан бўлди. Шунинг учун мустақиллик эркин яшашни англаган, тенглар ичида тенг ва фаровон ҳаёт қуришни истаган, ана шу истақларни рўйбга чиқарадиган қудратга эга бўла олган ёшлардан бошланади.


Қадрлар тайёрлаш миллий Дастури бевосита миллиятимизнинг урф-одатларига, аъёнларига асосланган кўп минг йиллик маданий меросимизни ўзида мужассам этганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Шунга мўвофиқ, мамлакатимизда 21 йил мобайнида унинг маънавий ва моддий асослари яратилди. Қўзланган мақсаднинг барча имкониятларини таъминлашга эришилди. Истиқбол режаларимизга ҳамоҳанг, тубдан янги, узлуқсиз таълим тизими вуҷудга келди. Бу дастур мазмун-моҳияти билан жамиятда амалга оширилаётган демократик давлат қурилиши ислохотларига мослаштирилди. Натижада, нафақат таълимнинг, балки жамиятнинг узлуқсиз ривожланиш асослари вуҷудга келди. Бизга армон бўлиб келган Фаробий, Бегуний, Ибн Сино, Хоразмий, Фарғоний, Мотурудий таълимотлари, Амир Темур, Бобур, Улғубек меъроси, давлатчилигимиз тарихи, миллий маданиятимиз янги авлод тарбияси дастурига айланди.

Илм-фан, санъат, спорт, маданият, иқтисод, сиёсат, тижорат, фермерлик ҳаракати, ишлаб чиқариш, ҳомийлик кўрсатишда иқтидорли ёшларни танлаш ва йўналтириш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш, ҳаётида учраб турадиган муаммоларни ечиш, қўмаклашиш борасида изчил тизим барпо этилди. Қўрибдиқ турибдики, янги авлоднинг вуҷудга келиши ва ажодларининг ворисига айланиши учун бир неча йиллар керак бўлди. Бу йиллар давомида узок мақсадга қаратилган давлат сиёсатининг нишонаси бўй кўрсатди.

Зеро, шунинг учун ҳам бу юртнинг келажаги буюқдир!

Пинҳона диск савдоси



Бугун компьютер ва бошқа замонавий ахборот технологиялари кириб бормаган бирор-бир ташкилот, муассаса ёки ҳонадон қолмади. DVD, VCD, CD, Flash каби ўзида олам-олам маълумотларни жамловчи диск маҳсулотлари ҳақиқатан мўъжизадек туюлади. Шу боис маҳсулотнинг бу турига нисбатан эҳтиёж катта. Табиийки, бундан кимдир эзгулик йўлида, кимдир ғаразли манфаат йўлида фойдаланиб қолишга интилади. Бу эса бир томондан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, қонуний фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга зиён етказса, иккинчи томондан, муаллифлик ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишига олиб келади.

Бундан ташқари, бугун маънавиятимизга пур-тур етказувчи ва баъзида беҳаё мазмундаги тасвирларнинг электрон нусхаларда ёйилишида ноқонуний равишда муомалага киритилаётган дискларнинг ҳиссаси жуда катта эканлигини ҳеч ким инкор этмайди. Мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, бу каби фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш ҳолатларини фожия, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига барҳам бериш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш борасида СВОЖДЛКК Департаментининг Тошкент вилоят бошқар-

маси ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Департаментнинг Бекобод шаҳар бўлими, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат солиқ инспекцияси ходимларининг ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбирлари натижасида фуқаро Баҳром Одилов тадбиркорлик фаолияти бўйича белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан маҳсул рухсатнома олмасдан, ўз уйида DVD ва CD дискларга турли жанрдаги кинофильмлар, мусиқа асарлари нусхасини кўчириб, уларнинг сотуви билан шуғулланиб келганлиги аниқланди. Ундан

диск кўпайтиришга мўлжалланган 8 хил, умумий баҳоси 1.354.5 минг сўмлик компьютер анжомлари ашёвий далил сифатида олиб кўйилди.

Лазер дискларнинг республикада ноқонуний равишда сотилиши, кўпайтирилиши, тарқатилиши ва ижарага бериш билан шуғулланаётган фуқароларни аниқлаш бўйича ўтказилган яна бир тезкор тадбирда Акмал Ғиёсиддинов, Умид Ханимқулов ва Абдурауф Ураскуловларнинг қонунга зид бўлган фаолиятига чек қўйилди. Акмал Ғиёсиддинов ўз уйида лазер дискларига турли жанрдаги асарларни кўпайтириб, Умид Ханимқулов ва Абдурауф Ураскуловларга етказиб берган. Улар эса ушбу маҳсулотларнинг савдоси билан шуғулланишган. Шуниси ачинарлики, ҳуқуқбузарларнинг орасидаги Умид Ханимқулов ҳудди шундай қилмиши учун илгари ҳам Бекобод шаҳар судининг ҳукми билан заҳага тортилган эди. Аммо жазо унга қор қилмаган қўриқари. Йўқса, тақдоран бу ишга қўл урмасди.

Тадбир натижасида ҳуқуқбузарлардан 676 дона умумий баҳоси 1 млн. 786 минг сўмлик DVD дисклари ва компьютер анжомлари ашёвий далил сифатида олиб кўйилган.

Тезкор тадбирларда республикада сотилиши, кўпайтирилиши, тарқатилиши тақиқланган фильмлар, ёшлар онига, ахлоқига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кинофильмлар ёзилган лазер дисклари билан қонунга хилоф равишда савдо қилаётган

кимсалар аниқланмоқда. Қонунда эса юридик ва жисмоний шахслар санъат асаридан фақат ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкинлиги белгиланган. Албатта, бунда маҳсулотнинг хорижий давлатдан олиб кирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари, яъни божхона чегарасидан ўтганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлари ҳам мавжуд бўлиши шарт. Санъат асарларидан ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузмасдан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчилигининг бузилиши ҳисобланади. Текин даромад илинжида ана шундай меъёрий қонун-қоидаларни бузган кимсалардан яна бири Ижод Ортиқбоев 2011 йилнинг июнь ойида жиноят ишлари бўйича Бекобод туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 167-моддаси 1-қисми, 189-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса-да, бундан ўзига тўғри ҳулоса чиқармаган. У фуқаро И.Турахонов билан ўз уйида дискларни кўпайтириб, сотиш билан шуғулланиб келган. Уларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари ортидан жами 3 млн. 510 минг сўмлик даромад олган дисклари аниқланган. Тадбир якунида ноқонуний равишда

Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,
СВОЖДЛКК Департаментининг
Тошкент вилоят бошқармаси
Матбуот гуруҳи катта
инспектори

сотувга чиқарилган 306 дона DVD дисклар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди. Ўзбекистон Республикаси мулк агентлигининг берган муаллифлик-ҳуқуқий ҳулосасида ашёвий далил сифатида олиб кўйилган дискларнинг тарқатилиши муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган ҳолда амалга оширилганлиги, ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартнома мавжуд эмаслиги, унинг тарқатилиши маҳаллий ва хорижий ҳуқуқ эгаларига зарар келтириши мумкинлиги кўрсатилган. Ана шу тарзда муаллифлик ҳуқуқи ва унга турдош ҳуқуқларни қўпол равишда бузиб, меъёрий қонун-қоидаларни четлаб, осон даромад олишни кўзлаган ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноят ишлари кўзгатилди. Уларга суд томонидан қилмишига яраша жазо чоралари белгиланди.

Тезкор тадбирларда ноқонуний равишда муомалага киритилган турли видео ва аудио асарлар мусодара қилиниб, қонунбузарлик ҳолатларини содир этган шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўрилмоқда.

Имкониятга яраша муваффақият

Бугун ишлайман, меҳнат қиламан, деганлар учун барча имкониятлар ва шарт-шароитлар мўъжиза. Чинакамига яратиш, яшатиш замони келди. Кимки бунёдкор, кимки салоҳиятли бўлса, ҳаёти фаровон, умумюксалишга фаол иштирокчи.

Имкониятларни айни муддао билиб изланаётганлар ҳамюртларимиз орасида минглаб, миллионлаб топилди. Ҳожибой бува ҳам ана шундайлардан бири.

— Ҳожибой бува, эшитишимизча, бу йил томоркангиздаги боғдан каттагина даромад қилибсизлар, шу гап ростми? Сир бўлмаса, ўшанча маблагни нимага сарфламоқчисиз?

— Шукур, бодомзорнинг ўзимдан ўн қопдан ошиқ ҳосил олдик. Бу ёғида узилмаган олма-анорлар ҳам бор. Аниқ эсимда йўғу, ҳарқалай, болалар хомтахмин билан аллақанча даромадлар ҳисоб-китобини қилишди. Топилган маблагни нимага ишлатиш масаласига келсак, ҳеч кимдан яширадиган сиримиз йўқ. Тўғриси, ўғиллар ва набиралар билан маслаҳатлашиб, қишлоқ марказидаги ташландиқ ерни ободонлаштириб, аҳолига маийш хизмат кўрсатувчи мажмуа қуриб ишга туширишни мўлжаллаётимиз. Ҳозир катта ўқим ҳужжат ишлари билан шуғулланяпти. Қиш бошланмай режамизни амалга ошироқчимиз. Шу орқали ўзимизнинг даромадимизни фойдали ишга сарфлаб, тадбиркорликка қўл урамиз, халқнинг оғирини енгил қилишдан ташқари, янги ишчи ўринлари яратамиз.

— Бува, бунга улгурмайсизларов, Ахир қанча югур-югурлари бор бу ишларнинг?!

— Нера энди?! Ахир боғимиз ҳеч

қандай муаммо ёки қийинчиликсиз ташкил этгандик. Ишончим қомил, бу масала ҳам тўсиқларсиз тезда ҳал бўлади. Илгаригидай ишлаган-ишлаган бир зайдда ҳақ олишга мажбур даврлар эмас энди.

Дарҳақиқат, ҳозир ишбилармон ва тадбиркорларга кенг йўл берилган. Ўзи ҳам барака топаяпти, давлат ва халқ фаровонлигига ҳам хизмат қиляпти. Тадбиркорларга яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар қамрови ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айниқса, кейинги пайтда улар фаолияти ривожига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар инобатга олиниб, текширувлар қамайтирилгани, солиқлардан имтиёзлар берилганини айтмайсизми?! Ахир ўз ҳовлисида топган даромадини эмин-эркин, ўзи истаганидай сарф-толмай яширган замонлар билан бугунги кун ўртасида осмон ва ерча фарқ бор. Кераксиз сўроқ-савол, текшириш-текшириш ривожланишга тўсиқлиқ қилиши инобатга олиниб, тадбиркор ва ишбилармон одамларга ён босилаётгани уларга бўлган жуда катта ишонч ва имконият. Бундан унутили фойдалана билган ҳеч қачон ютқазмайди.

Ортимизнинг ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнаши, йилдан-йилга фаровонлиқнинг ортиб бораётганида шахсий ва эл-юрт манфаатлари йўлида меҳнат қилишни истаган ҳар бир инсон учун етарли бўлган имконият ва шароитлар мавжудлигининг таъсири катта. Юқорида таъкидланганидек, бу

ҳуқуқий демократик давлат қуриш сиёсатида изчиллик билан амал қилинаётганлигининг исботидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги Фармонида тадбиркорлик ва ишбилармонлик ривожига учун тўсиқ бўлаётган ҳолатларга чек қўйиш назарда тутилган. Яъни, "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида" ги мазкур ҳужжатда давлат ва назорат органларининг қорхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш кўзда тутилган. Масалан, Фармонга мувофиқ янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режалик солиқ текширишларидан ўтказилмайди (акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно). 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаёт-

Обидхон МҲМИНОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг
Янгиқўрғон туман бўлими бошлиғи
Шерзодбек ТОШБОВЕ,
бўлим суриштирувчиси

ган, шунингдек ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади (юридик шахсларни тугатиш чоғида қўзғатилган жиноий ишлар доирасида, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно). Бундан ташқари, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларининг қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддат, яъни 30 календарь кундан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ҳулоса шуки, юртимизда тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун имкониятлар жуда катта. Мисол учун, ўтган 8 ой мобайнида бўлигимиз ходимлари шу масалада мурожаат этган ўнлаб юртдошларимизга амалий ёрдам кўрсатдилар. Бу билан янги ишчи ўринлари яратишга ҳам эришилди. Демократизм, имконият ва шароитлардан оқилона фойдаланилса, бу нафақат шахсий манфаатларга, балки юрт келажагига ҳам хизмат қилади.

1997 йилдан буён ҳар йили Самарқанд шаҳрида ўтказиб келинган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини юртимизда маданият ва санъатга берилаётган юксак эътибор намунаси дейишимиз мумкин. Халқаро миқёсда йирик санъат анжуманига айланиб улғурган ушбу фестивал дунё халқларининг миллий мусиқий мероси ва анъаналарини ривожлантириш, тили, маданияти турлича бўлган халқларни санъат воситасида яқинлаштириш, инсониятни нафосат ва эзгуликка чорлаш каби эзгу мақсадларни ўзида мужассам этгани билан ҳам аҳамиятга молик.

Тўйдан кейинги «ТОМОША»



Мираглам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари
Шавкат ЁДГОРОВ,
«Huquq»

Биз бугун ушбу нуфузли тадбирни эсга олаётганимиз сабабини қуйдаги жиноят тафсилотини ўқиғач тушуниб оласиз.

Халқимизда "Ҳамма тўй билан овора, бўри қўй билан", деган кинояли ибора бор. Уни халқнинг қувончу ташвишларидан бегона, ҳар қандай вазиятда ҳам ғафлатгина ўз манфаатини кўзлайдиганлар тоифасига нисбатан қўллайдилар. Эндигина 30 ёшини қаршилаган, Тошкент шаҳрида туғилган Музаффар Сахибжонов ҳам айнан шундай тоифадан экан.

Маълумки, ўтган 2011 йилнинг 26-31 август кунларида Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" саккизинчи халқаро мусиқа фестивали катта шодибоналар билан ўтказилган эди. Бу вақтда "қаҳрамонимиз" Музаффар Сахибжонов Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қoшидаги "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали Бош дирекциясининг ижрочи директори лавозимида ишлаган. Унинг хизмат вазифалари ушбу фестивал ва бошқа концерт дастурларининг ўтказилишини ташкиллаштириш, дирекцияга умумий раҳбарлик қилиш, юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш, шартномалар ижросини назорат қилиш каби-лардан иборат бўлган. Бироқ М.Сахибжонов зиммасидаги ана шундай масъулятли вазифаларни бажариш ўрнига ўз хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб қолишни афзал кўрган. Жумладан, М.Сахибжонов ўзи раҳбарлик қилиб келган дирекция ихтиёрида бўлган, бир неча кун илгари "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтган ва шу жараёнда безатилган, ёритиш ускуналари ва овоз қунайтиргич мосламалари ўрнатилган "Регистон" майдонида концерт дастури ўтказиши керак бўлган таниқли бастакор Султонали Раҳматовдан 3000 АҚШ доллари миқдорида пора талаб қилган. Акс ҳолда, концерт арасида майдонга ўрнатилган ускуналарни ечиб олиб кетишни билдирган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 июлдаги мажлиси Баёнига асосан 2011 йил 7-8 сентябрь кунлари Самарқанддаги "Регистон" майдонида бастакор С.Раҳматов бошчилигидаги оркестрнинг янги концерт дастури ўтказиши белгиланганидан М.Сахибжонов яхши хабардор бўлган. Бироқ, нафсини жиловлай олмаган ижрочи директор хизмат мавқеидан фойдаланиб, бўйлаб пул ишлаб олишни ният қилган.

Унинг бу хатти-ҳаракатлари қонунга зид эканлигини тушунган С.Раҳматов тегишли тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга муножаат этди.

Маъзур ҳолат юзасидан олиб борилган тезкор тадбир давомида М.Сахибжонов С.Раҳматовдан 3000 АҚШ долларини пора тариқасида ўзининг ҳайдовчиси Б.Алматов орқали олган вақтида ушланди. Аммо унинг жиноий қилмиши шундангина иборат эмас экан. Бунга қадар М.Сахибжонов яна бир жиноят содир этган эканки, ҳеч бир қолипга сиймайди.

Гап шундаки, юқорида айтиб ўтганимиз — 2011 йилнинг 26-31 август кунлари "Шарқ тароналари" саккизинчи халқаро мусиқа фестивали юқори даражада бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Жанубий Корея фуқароси Парк Йонг Вук жўра хайбатининг қарорига кўра мутлақ ғолиб, яъни "Гран-при" соҳиби деб топилади ва 10000 АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади. Бироқ Парк Йонг Вук ушбу пул мукофотини ўзбекистонлик иқтидорли мусиқачиларнинг санъат соҳасидаги фаолиятларини рағбатлантириш учун ҳада сифатида М.Сахибжоновга тақдим этди. М.Сахибжонов эса гўё ҳеч нима кўрмагандай бу пулни ўзлаштириб юборди.

Ўз нафсини жиловлай олмаган одамдан яна ниманиям кутиш мумкин?

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан М.Сахибжонов 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шу билан бирга, ундан давлат фойдасига 17 млн. 367 минг 700 сўм (у томонидан ўзлаштириб юборилган 10000 АҚШ доллари) миқдоридаги моддий зарарнинг ундирилиши белгиланди.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, баъзи бир нопок мутаассиди раҳбарларнинг юқоридаги каби ишлари юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишларга соя ташлай олмайди. Бундай кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилинмайди. Қонун талаби шу.

Таклидчилар панжара ортида

Олимхўжа НАБИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи
Камолiddин АСКАРОВ,
«Huquq»

Кўпинча хориж кинофильмларида гувоҳи бўламиз, жиноятни ўзига касб қилиб олганлар гуруҳларга бирилашиб, йирик мафияни ташкил қилишади. Бундай мафиялар катта-катта жиноятларни содир этиб, шу орқали мўмай даромад ҳам ортиришади. Фильм сўнгига эса, улар бирин-кетин ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ҳибсга олинди, қонун бўйича жазоландилар. Бундай фильмлар жиноят оламининг умри қисқалигини, унинг охири аялчи оқибатларга олиб келишини халққа кўрсатиб бermoқда.

Биз қуйдаги ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз — суднинг қора курсисидан жой олган 12 нафар фуқаро бундай фильмларни кўрган бўлсалар-да, ўзлари учун тегишли хулоса чиқармаган эканлар. Аксинча, улар хориж фильмларидаги жиноий гуруҳларга таклид қилган кўринади.

Ботир Раҳимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 1987 йил Тошкент шаҳрида туғилган, муқаддам судланган. У ўзининг ёнига бир неча одамларни тўплаб, турли жиноятларнинг содир этилишида "тўдабоши" вазифасини бажарган. Б.Раҳимов ўнг қўли ҳисобланиш ўқиси Содиқ Раҳимов билан дастлаб Мирзо Улугбек туманидаги Яланғоч даҳасида жойлашган валюта айирбошлаш шохобчасидан қонунга хилоф равишда хориж валютасини ўзга шахсларнинг паспортларига давлат томонидан белгиланган нархда сотиб олиб, "қора бозор"да қимматга пуллаб, фойдасини ўзлаштирганлар. Шунингдек, бу кимсалар 1971 йилда туғилган қорақалпоғистонлик Васила Маматовани ёллаб, унинг кўмаги билан шохобчага бегона шахсларни яқинлаштириш мақсадида, сунъий наvbатлар вужудга келтирган ҳолда турли жанжаллар уюштиришган. Бунинг натижасида эса, хориж валютасига эҳтиёж бўлган фуқароларимиз наvbат кута-кута, ишлари битмай манзилларига қайтиб кетаверишган.

Қилаётган ишларидан кўнгиллини тўлмаётганини ҳис қилган ака-укалар жиноий ҳаракатларини бошқароқ тарзда давом эттириш ҳақида бош қотиришади. Жиноят шерикчилиги тан олмайди, дея, шунинг исботи тариқасида ўзлари билан "ош-қатиқ" бўлиб, валюта олди-сотиди орқали оқонқунли даромад топаётган шахсларни мўлжалга олишади. Бироқ, вазият ўзгара ёрдамидан фойдаланишни тақозо этарди. Уларнинг режаларини дўндириш учун (тергов жараёнида аниқлаш имкони бўлмаган) "азамат йигитлар" ҳам тезда топилди. Ўтган йилнинг 20 июнь куни Б.Раҳимовнинг кўрсатмалари билан жиноий гуруҳ аъзолари валюта сотиб олиш учун валюта айирбошлаш шохобчасига келган Икром Манноповга нисбатан босқинчилик қилиб, уни ёнидаги пулларга эга бўлишди. И.Манноповдан кўлга киритилган 1 млн. 800 минг сўм пул тўда ўртасида "нимталаниб" юборилди.

"Операция" кўнгилдагидек ўтганидан руҳланиб кетган Б.Раҳимов яна бир қабиҳ режа тузди. Аввалгисига ўхшаб бу сафарги объект ҳам валютафурушлар бўлди. Чунки режанинг бошида турган бу йигит валюта айирбошлаш шохобчасига ким қанча пул билан келаётганини аниқ биларди. Улар ик-



кинчи режага асосан дастлаб 1990 йилда туғилган Карим Холиқовни шерикликка олишади. Сўнгра ички ишлар идораларининг вакиллари бўлган 1969 йилда туғилган Фозил Жалилов ҳамда Тилиб Зайниевларни ҳам бу "операция"га жалб қилишади. Йиғилганлар камлик қилди шекилли, ишга 1988 йилда туғилган Акмал Алиев ва 1980 йилда туғилган Собит Илҳомовлар ҳам таклиф қилиниб, гуруҳ "таркиби" қучайтирилади.

2011 йилнинг 24 июнь куни бу кимсалар наvbатдаги жиноятни амалга ошириш учун Яланғоч даҳасидаги 25-уйини 25-хонадонига тегишли ховли олдига келишади. У ерда ухлаб ётган Собир Ҳамдамовни зўравонлик йўли билан кўрқитиб, унинг иккита қўл телефони ва 38 млн. сўм пулини олиб, воқеа жойидан ғойиб бўлишади. Кўлга киритилган "ўлжалар" гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимланади.

Ҳаразли режаларининг силлиқ амалга ошаётганидан руҳланган тўдабоши Б.Раҳимов ўзини янада бардамроқ сезиб, наvbатдаги ишга киришади. Бу гал Наим Тoшбековнинг "Пайнет" шохобчаси мўлжалга олинди. Гуруҳга янги "истеъдод"ларни жалб қилиш зарурати туғилиб, номзодларни қидиришга киришиди. "Хумдек бошнинг ичида тарикдек ақл бўлмаса, бу калланинг нима кераги бор", деган доно халқимиз. "Пайнет операцияси" учун гуруҳга жалб этилган 1983 йилда туғилган фуқаролар Қобул Давронов ва Раҳим Орипов, 1988 йилда туғилган Ғайрат Аминовларнинг бошларида тарикдек бўлса ҳам ақллари йўқ экан. Йўқса, ўзларининг ёш умрларини хазон қилиб, бу ишга қўл урармидилар.

Жиноий тўда 2011 йилнинг 1 сентябрь куни халқдан "Пайнет"га йиғилган пулларни банкка топшириш учун олиб кетаётган Наим Тoшбековнинг изидан тушишади. Инсонийлик қиёфасини йўқотган бу кимсалар қулай фурсат пайлаб, Н.Тoшбековга ташланашди. Уни уриб-тепиб, пичоқ билан кўрқитиб, ёнидаги 5 млн. сўм пулни босқинчилик

йўли билан қўлга киритадилар. Жиноий гуруҳ бу пулларни ҳам ўзаро тақсимлаб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишади.

Жиноий гуруҳ кейинги "салб юриш"ни Юнусобод туманидаги Марказ-6 даҳасида жойлашган дўкан ва "Пайнет" шохобчасига қаратди. Босқинчилик режасини тузиш бўйича устаси фаранг бўлиб келган Б.Раҳимов томонидан бу ишга Қ.Давронов, Ғ.Аминов, Р.Ориповларни жалб этилгач, тўда яна бир ёш иштирокчи —1990 йилда туғилган Зарип Муқимов билан тўлдирилди. Улар босқинчилик йўли билан бойлик ортириш мақсадида 2011 йил 22 сентябрда белгиланган манзилда йиғилишди. Бу ерда ҳам қулай фурсатни пайлаб, кейин бинога "хужум" уюштирилди. Шохобчада ишловчи Бобур Йўлчиевни уриб, соғлиғига жиддий шикаст етказишди. Кўлга киритилган буюм ва пулларни, яъни 2 млн. 300 минг сўмлик мол-мулк ва 205 АҚШ долларини олиб, жуфтани рoстлашди. Осон йўл билан топишган бу пуллар ҳам томоқларидан сариёғдек силлиққина ўтиб, ҳазм бўлиб кетди.

Шерикларининг ишлари хамирдан қил суғургандек давом этаётганини эшитган Васила Маматова бир таклифни ўртага ташлайди. Унга кўра, яна бир валютафуруш тўданинги қурбонига айланиши керак эди. Бу сафар ҳам гуруҳга юқоридаги "ижрочи"лар таклиф этилади. Махсус режага кўра, жиноятчилар 2011 йил 28 сентябрь куни "Матиз" автомашинасининг ортидан тушишди. Алижон Мағрубов бошқарувидagi автомашина босқинчилик учун қулай жойда тўхтаганида, гуруҳ аъзолари томонидан "куршов"га олинди. Жабранувчини калтаклаб, мажбуран уловидан тушириб юбордилар. Юқонасида 24 млн. сўм пули бор автомашина кўлга киритган жиноятчилар, уни Қўйраб туманининг кимсасиз ҳудудида олиб бориб, пулни олдиларда, ўлжани тақсимлаш учун келишилган жойга равона бўлдилар.

Мана шу воқеа жиноий тўданинг фаолиятидаги сўнгги иш бўлди. Гуруҳ аъзолари ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ҳибсга олинди, тезкор-тергов ва суриштирув ишлари олиб борилиди. Тергов жараёнида уларнинг барча қилмишлари ошкор этилди. Қора курсидан жой олган 12 нафар шахс Жиноят кодексининг тегишли модда ва қисмлари билан айбдор, деб топилиб, суднинг ҳукми бўйича узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Зеро, халқимиз тинчлигини бузиб, қонунларимизни менсимасан бу каби жиноятчиларнинг жойлари доимо панжара ортида бўлаверади.

Эгри йўлдаги йигитлар

манзили панжара орти бўлди



Ҳар кимнинг ҳаётга қарашин ҳар хил. Кимдир ёшлик даврида билим олиб ёки ўзи танлаган спорт тури билан шугулланиб, келажаги учун пойдевор қўйиш ҳаракатида бўлса, бошқа тоифадагилар ёшликка ўйнаб-кулмасанг, яна қачон бундай имкон бўлади қабилда иш қўлади.

Иккинчи қарашни маъқул билган ёшлардан бири Рустам Эркаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ёшликда ўйнаб-кулиб қолгиси келди шеклилли, кўнгли кайфу-сафо қилиб яшашни тусаб қолди. Бирок бу учун чўнтак қуруқ бўлмасин... Рустам бунинг иложини топи, яъни бировларнинг уйини ўмариб, ўғрилиқ ортидан чўнтагини "семиртириш"ни мақсад қилди. Бир ўзи бундай "ўлугвор" режани амалга ошира олмасди. Шунинг учун атрофига ўзи каби меҳнатга тоби йўқ шерик тўплашга киришди. У Тўра Жабборов ва вояга етмаган йигитча Карим Асодовларни жалб қилиб, пойтахтимизнинг Ҳамза тумани Валижонов кўчасида яшовчи Ж.Кумисбекова хонадонини нишонга олди. Учовлон вазиятни обдон ўрганиб, имкон туғилиши билан дераздан ошиб, хонадонга яширинча киришди. "Чақирилмаган меҳмонлар" хонадон соҳибасининг тилладан ясалган занжир, эркаклар узуги, биллак узук, аёллар зираги ҳамда 45 млн. сўм, 2 минг қозқ тенгеси, 600 евро, 100 Россия рубли микдордаги пуллари кўйниларига тикиб, овлар бароридан келганидан бош-

лари осмонга етганича жуфтакни ростлашди. Ўғрилари "ташрифи" натижасида хонадон соҳибаси Ж.Кумисбекова жами 73 млн. 281 минг 906 сўм микдорда моддий зарар кўрди.

Рустамга текин даромад мойдай ёқиб қолган чамаси, орадан бироз вақт ўтгандан сўнг яна бир "ов"га бел боғлади. Бу сафар Тўранинг ўрнига Аҳмад Мамадалиев ва Ўлмас Алиевларни шерик қилди. Ҳали 18 ёшга тўлмаган бўлишига қарамай Карим Асодов жиний гуруҳнинг фаол аъзоси сифатида навбатдаги "операция"да ҳам иштирок этди. Бу гал улар ўғрилиқ эмас, зўравонлик йўли билан чўнтакларини қап-пайитроқчи бўлишди. 2011 йилнинг 31 октябр кўни 23:00ларда Яккасарой туманининг Ш.Руставели кўчасидан кетаётган фуқаро А.Холхўжаев қўтилмаганда қароқчиларга рўпара келиб қолди. Айни кўчга тўлган 4 нафар йигитнинг қўлидан осонгина чиқиб кетишга қўзи етмаган А.Холхўжаев улар талаб қилган 80 минг сўмлик спорт курткаси ва чўнтагидаги 350 минг сўмни қўшқўллаб топширди. Шу пайтда қаёқдандир ички ишлар ходимлари пайдо бўлиб қолди. Йўлту-

Шахобиддин ДЖУРАБОВ,
Ҳамза туман прокурори
ёрдамчиси
Мақсудали КАМБАРОВ,
«Huquq»

сар йигитлар эса ўзларини ҳар томонга уришди. Бирок Аҳмад ички ишлар ходимлари таъкибидан қочиб қутула олмади.

Қароқчилик ишининг ўзи қутганидай муваффақиятли яқун топмагани Рустамни бир муддат яшириниб юришга мажбур қилди. Аммо ўрганган кўнгли ўртаниб, яна "иш"га киришди. Одатдагидай атрофига ўзи каби жиноятчи мойил тенгдошларини тўплаб, Учтепа тумани М.Уйғур кўчасидаги хонадонларнинг бирига "ташриф" буюришди. Яхшиямки уй эгасининг хушёрлиги сабаб ўри йигитлар қўлга олинди. Шу тариқа жиний гуруҳнинг "юрмилари" тўхтатилди.

Жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман суди томонидан жиноятчи-ларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, бугун мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг қайси соҳада бўлмасин ёрқин келажак сари дадил қадам ташлашлари учун улкан имкониятлар яратиб берилмоқда. Юқоридан номлари келтирилган, пешонасига "ўғри, қароқчи", бир сўз билан айтганда "жиноятчи" деган тамга урилган ёшлар ҳам бошқа тенгдошлари қаторида ана шу имконият ва шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда ўқиб-излаб ёки спортнинг бирор тури билан шугулланиб, жамиятда ўз ўрнларини топишлари, эл-юртга наф келтирадиган инсонлар бўлиб етишишлари мумкин эди. Аммо улар жонини қўйиб қилишнинг орозу қилишди. Бирок бу йўлнинг охири нури манзилларга олиб бормаслигини энди тушуниб етишган бўлса, ажаб эмас.



Уйиндан чиққан йўқ

Улугбек ШОКИРОВ,
Избоскан туман прокуратураси терговчиси

Избосканлик Валижон айни кўчга тўлиб, ўттиз олти баҳорини қаршилаганида сўдининг қора кўрсисига ўтириб, унга жиноят ишлари бўйича туман сули икки йилга озололкан маҳрум этиш жазоси тайинлаган эди. Лекин у жазо муаллатини ўтаб қайта ҳам ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Яна жиноятга қўл урди. У учинчи фарзандига ота бўлиши арафасида ойлик маоши озлигини ваҳ қилиб, ишдан бўшаб олд. Энди у ҳар хил майда ишлар билан машғул бўлиб, номаълум ва номунтазам йўллар билан даромад топиб оила тебрат бошлади.

Бир кўни Валижоннинг ораси Муниса сафарга кетадиган бўлди. Аэропортга кузатиб чиққан укасига у 100 минг пулни тўтқазди ва "Каминга ишлатарсан", дея ҳайрлашди.

Осон келган пул осон кетди, дейишди. Валижонга ҳам бу пул буюрмади. У ўйига келиб, кечки овқатни еди. Аммо пулни ҳеч кимга бермади. Уй ишлари билан овоза бўлиб юрганида, қўшини Азамат кириб келди.

— Бир ҳордиқ чиқарамиз, Суннатниқига ўтмайсизми? — сўради у.

— Сизлар бори тураверинглар, ўтарман, — деди Вали.

Кўп ўтмай, у ҳам Суннатларниқига етиб борди. У ерда қимор уйини авжига чиққан, рангли қарталар оҳанрабодай айланган, қўлдан-қўлга ўтарди. Валижон ўзига таниш маҳалладошлари билан бир-бир қўришиб чиқди ва қийин-қийосдан сўнг ўйинга қўшилди. Чўнтагида пул тезгина бошқанинг ҳамёнига ўтди.

— Ҳай, бор барака, яна тушинг, — деди кимдир. Валижон қараса, иш чаток. Ноилоҳ қўшини Азаматдан 70 минг олиб, яна ўйинга шўнғиди. Аммо бу гал ҳам омад ундан юз ўгирди. Саиджаҳондан 150 минг сўм қарз бўлиб қолди. Унинг бахтига чироқ ўчиб қолди. Бўлмаса қарзлари бундан ҳам кўпроқ бўлиб кетармиди. Ҳамма уй-уйига таркади. Орадан уч кун ўтиб, Саиджаҳон пулини қистаб қолди. Вали унга жавобан:

— Ие, қизик экансан, қиморнинг ўз қонун-қондаси бор. Қиморда ютқазилган пул қиморда ечилади.

— Мен билмайман, топасиз, — деди Саиджаҳон.

Аммо Валижон унга пул бермади. Саиджаҳон ҳам кунда-кунора пулини қистаб келадиган одат чиқарди.

— Қарзингизни беринг!

— Уйинда олсан!

Ахвол шу тариха давом этарди. Валижон бу орада бир амаллаб Азаматдан олган қарзини узди. Саиджаҳон бир ошнас билан яна келди. Валижоннинг жавоби эса ўша-ўша эди. Иккиси пул унмаганига алам қилиб, дўконга кириб, вино ичишди. Кейин яна Валижонларнинг ўйига қайтиб келиб:

— Юринг, стадионда ҳисоб-китоб қиламиз, — деди Саиджаҳон.

— Мен шу ерда ҳисоб-китоб қиламан, — деб уйдан олиб чиққан пичоқ билан унинг дуч келган жойига ура бошлади Валижон. Кўп кун йўқотиш билан танадаги қатор жароҳатлар оқибатида Саиджаҳон ҳаёт билан видолашди. Ачинарлиси, у 150 минг сўмнинг қурбонига айланди.

Қотилга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айбдор деб топилиб, айбига яраша жазо олди. Энди у умрининг бир неча йилларини панжара ортида ўтказишга мажбур.

Райхон туни билан мижжа қоқмади. Ўтган кунларни ўйлаб, негадир умрини сарҳисоб қила бошлади. Аввалига турмушдан ёлчимаган бўлса-да, ҳалол меҳнат билан ўғли Фахриддинни вояга етказди. Ийитанк салоати барваста қалам-қоғазга акс этган, ухлаб ётган ўғлини оналик меҳри жушиб, эркалаб силаб қўйди.

Муаллимнинг қотили

Раҳмон ФАЙЗИЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

Аёл боши билан бировдан кам бўлмаслик учун тиниб-тинчимай ишлаганлари ҳосиласи Навоий шаҳридан уч хоналик уй сотиб олди. Ўғлини ўйлаб қўйиш, ўқитиш учун харажатларни чамалаб, бироз пул ҳам йиғишга муваффақ бўлди.

"Зафаробод" қўргони Ғиждувон тумани марказидан олис чўл ҳудудида жойлашган бўлса-да, қўни-қўшин, аҳил жамоасига ўрганиб қолгани боис бу ерлар Райхон учун жуда қадрли. У шуларни ҳаёлидан ўтказар экан, негадир кўнглига ғашлик иниб, юраги безовта ура бошлади.

Эрта билан уйғониб, ишга шошиб турган ўғлини кузатар экан, гўё уни сўнгги марта қўриб тургандек, алланечук ҳисларни ҳаёлидан узоклаштиришга уринди.

"Менга нима бўлаяпти ўзи? Тезроқ мактабга бориб, бугунги дарслар ҳақида ўйлашим керак-ку!", дея ўзини чалғитмоқчи бўлди. Соат миллари 7:00га яқинлашмоқда. Қийинишга чоғланди. Шу пайт чалинган эшик ўнги-роғи ҳаёлини бўлди. Эшикни очиб, ўғлининг сўнғидош дўсти Нуриддинга қўзи тушди.

— Кел, Нуриддин, қарзингни келтиришгми, дейман, — деди собиқ ўқувчиси олган 200 минг сўм пулни эслаб.

— Йўқ, Райхон Сафоевна, менга яна бироз пул керак эди, — чайналди "меҳмон". Аслида бир неча кундан буён пайт пайлаб юрган босқинчилик қадамнинг илк "эпизоди" эди бу ташриф.

— Қизик экансан-ку, — асабийлашди аёл. — Аввалги қарзингни узмай туриб, яна пул сўраясанми? Менда пул йўқ!

У шундай деди-ю, айни пайтда Нуриддиннинг кўзлариди ваҳожатини қўриб, орқага тисарилди.

Ўша ондаёқ муаллимага ташланган йигит бир вақтлар бегубор болакай бўлгани, ўғли Фахриддин билан қувалашиб ўйнаб юрган кезлари қўз ўнгидан ўтаётган Райхон ўзини ҳимоя қила олмади. Боши, юз-кўзлари аралаш тушаётган зарбалардан қўра, ўз ўқувчиси қўлида жон талвасасида қолгани, ўғлининг ўртоғи, шу хонадон эшигидан "дўстман" деб кириб-чиқиб юрган кўрнамак қотил олдида ночорлиги аламиндан юраги чилпаркан бўлиб кетди.

"Яхшилик ва эзгулик умр бегази, ёмонлик одамни бадном қилади", дея дарсларда ҳаёт сабоқларини ўқитган ўқитувчисининг жонсиз танасини ювиниш хонаси томон суварётган Нуриддин қилмишининг оқибатини ўйлашдан қўра, "тилла тақинчоқлар, пуллари қаерда экан?", деган ўй билан банд эди. У ётоқхонага кириб, аёлнинг йиллар давомида елиб-югуриб толган 34 млн. 967 минг сўмлик мол-мулкни ўмариб, кўздан ғойиб бўлди.

Нуриддин Навоий вилоятининг Навбахор тумани Қалқон қайрилиш жойида "Дамас"дан тушиб қолди. Жиноятнинг изларини йўқотиш учун Зарафшон дарёси устидан ўтган кўприқдан пакетни сувга улоқтирди...

Қотил беларво. Юраги хотиржам. Ўша кўни у дўстлари Рамз ва Алишер билан учрашди. "Нуротага, зияратга бориб келсан, нима дейсизлар?", деди йигитларга. Ҳар ҳолда "зиярат" сўзини эшитган шериклари йўқ, демай, унга эргашишди.

Саёҳатга отланган жўралар Нуриддиннинг қотиллик содир этиб келаётганини пайқашмади ҳам...

Мўмай пулни қўлга киритган Нуриддин кийим-бошини янгилаб, Бухоро шаҳридаги "Шахристон" тилла буюмлар бозорига келди. Умарган заргарлик буюмларини икки кун давомида арзон-гаровга сотди. Бу вақтда "Зафаробод" қўргонига муҳиш хабар тарқалган эди. "Муаллима Райхонни кимдир ўлдириб кетибди". Ўқитувчи, рўзгорим, болам деб ҳаловатидан кечиб, тинмай меҳнат қиладиган, бирова озор бермаган, қўлчиланин хўрматига сазовор бу аёлнинг ҳаётига зомин бўлган нобор қотил ким?

Эндигина йигирма бир ёшни қаршилаган Нуриддин жазодан қутулиб қолиш мақсадида нималарни ўйлаб топмади, дейсиз. Аммо аччиқ ҳақиқат олдида унинг ваҳ, баҳоналари тош босмади. Нуриддин Нуоров жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг ҳукми билан айбли, деб топилиб, 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

20 йиллик панжара ортидаги ҳаёт. Нуриддиннинг бундай аянчли қисмат йўлини танлашида хатони кимдан излаш керак? Айни умрининг гуллаган чоғида, илм олий, ҳунар ўрганиш учун барча шароитлар етарли бўлса-ю... Аммо ота-она, ақин қариндошлар, маҳалладагилар мустақил ҳаётга қадам қўяётган бу йигитнинг қотилга айланиб қолганини нега сезишмади?

Расул Тешаев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўзини қариндошларининг суяган тоғи деб ҳисоблайди чамаси, уларнинг "проблема"ларини ўз зиммасига олишдан қўчмайди. Қариндошлари ҳам унга ҳалоскордай муносабатда бўлишар, ким уларнинг муштунини пишт деса, дарҳол "ҳалоскор"нинг олига чопишади. Расул ҳам уларнинг муносабатига "лаббай" дея жавоб қилади. Ҳатто бировнинг мулкага ўт қўйиш ва қотиллик қилиш керак бўлса ҳам тап тортмайди.

«Халоскор»

Файрат МУХАМЕДОВ,
Чиноз туман прокурори

2011 йилнинг 21 февраль куни чамаси 8:30ларда Расулнинг қўл телефониға аммасынинг ўғли Ғанининг турмуш ўртоғи Алиса кўнгирок қилиб, дардини дастурхон қилиб қилди. У фуқаро Б.Алиева билан жанжаллашгани учун "ракиба" сидан қасд олишга ёрдам сўраб, "ҳалоскор"ни безовта қилган экан.

— Қандай ёрдамим тегиши мумкин? — деди Расул ҳожабардорлик билан.

— Унинг чойхонаси бор. Ўшанга ўт қўйиб юборсангиз, бир аҳволини кўрадим. Агар чойхонасига ўт қўйиб, қулга айлантириб берсангиз, сизниям куруқ қўймасдим. Хизмат ҳақингизга 50 минг сўм бераман, розимисиз?

— Яхши. Бу иш менга чўт эмас. Сиз хотиржам бўлаверинг, бўёғини менга қўйиб беринг.

— Раҳмат қариндош. Яхшиям сиз борсиз.

Телефондаги суҳбат шу тахлит якунига етди. Эртаси куни қариндоши учун қасос олишга чоғланган Расул соат 04:30 ларда Б.Алиевага тегишли чойхона олдида пайдо бўлди. Табиийки, бундай вақтда ҳамма ширин уйкуда бўлади. Расул ёнида олиб келган арматура билан чойхона эшиги қулфини бўзиб, ичкарига кирди. Асосий "миссия"ни бажаришдан аввал хонани кўздан кечириб, 2 минг 500 сўм пул ва икки хил турдаги 10 қути сигаретларни чўнтакка урди. Сўнг хонанинг бир четиға ўрнатилган электр токи берувчи мотордан баклажакка бензин олиб, ҳаммаёққа селиб чиқди. Кетар чоғи гугурт донасини ёқиб, ичкари отди ва ўзи бу жойдан жуфтани ростилади. Бир зумда чойхона аланга ичда қолди. Бунинг натижасида Б.Алиевага 6 млн. 500 минг сўмлик зарар етказилди.

Шу билан Расулни анча вақтгача ҳеч бир қариндоши ёрдамча қорламади. Бироқ 2011 йилнинг 4 декабрь куни "ҳалоскор"га яна иш топилди. У Чиноз тумани Туркистон фуқаролар йиғини, Т.Эрназаров фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган "Раунет" шохобчасида ўтирганида, соат тахминан 21:40ларда катта оласининг ўғли Шаҳобиддин ҳовлиқиб келиб қолди.

— Ҳа, тинчликми? Намунча суюкка тикилган итдай хирилмасанг, — деди Расул жиняча рази солиб.

— Расул ака, менга ёрдам бермасангиз бўлмайди.

— Нима гап ўзи?

— Самин деган бир бола Замира опамнинг ортидан юрибди. Унга опамни тинч қўй дегандим, мени сўкиб хайдаб юборди. Бор, ишонганини бошлаб кел деди.

Жинянинг охириги гапи Расулнинг гурुरига тегиб кетди. — Сенга шунақа дедими? Кучи кўпайиб кетибдими жўжа-хўрозни? Ким экан ўша кучи қалайига сизмаётган? — дея аввалдан ўзида сақлаб юрган ошхона пичогини чўнтағига солиб, Шаҳобиддин билан йўлга тушди.

Улар Тошкент-Термиз йўли ёқасидаги "Мингчинор" ошхонаси олдиға келганларида Самин қўл телефони орқали ким биландир астойдил суҳбат қуради. Расул тўғри бориб Саминнинг юзига мушт туширди. Қутилмаган зарбадан у қўлидаги телефони тушириб юборди. Иккинчи зарбадан кейин Самин мувозанатини йўқотиб, йиқилди. Бундан фойдаланган Шаҳобиддин унга ташланди. Аммо Самин бакуват йиғит бўлганлиги сабабли тезда ўзини ўнглаб, севгилиснинг укасини уриб, йикитди. Жинянинг лаби қонаётганини кўрган Расулнинг ҳажли чиқиб, рақибига ташланди. Қанчалик ҳаракат қилмасин, ўзидан бакуват бўлган Саминга кучи етмаслиғига қўзи етиб, сўнгги чорани қўллади, яъни пичокни ишга солди. Пичок зарби Саминни ортага чекинишга мажбур қилди. Бундан фойдаланган Расул унга ташланиб, яна бир неча бор пичок урди. Самин жон аччиғида шеригини ёрдамга чақира бошлағач, тоға-жон жуфтани ростилаб қолишди. Жабрланувчи Самин Қаршиевга кўрсатилган узоқ муддатли тиббий муолажаларга қарамасдан ҳаётини сақлаб қолишини имкони бўлмади.

Қариндошларининг "ҳалоскор"ига айланган Расул эса одил суд томонидан жиноятига яраша жазо олди.

«Уддабурон»нинг қилмиши ошкор бўлди



Русланбек МАТЕКУБОВ,
СВОЖДЛКК Департаментнинг
Сирдарё вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи

Давлатимиз томонидан иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтказилиши туфайли хилма-хил мулк шакллари вужудга келди. Солиққа тортилмаган субъектлар ва объектлар сони кўпайди. Иқтисодиёт ва солиқ тизими анча такомиллашди. Бироқ айрим фуқароларимизнинг иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги ҳуқуқий билими ҳамда дунёқараши етарли эмаслиги кузатилаётган. Бунинг натижасида баъзи корхона ва ташкилот раҳбарлари томонидан ўз шахсий манфаатларини кўзаб, фирибгарлик жиноятини содир этиш ва солиқ қонунчилигини четлаб ўтишга уриниш ҳолатлари учраб турибди.

Бу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Департамент органлари томонидан кенг қамровли тадбирлар амалга оширилиб, қатор қонунбузилиш ҳолатлари фож этилмоқда.

Инсон ақлу заковоти жуда кўп нарсаларга қодир. Бироқ, ана шу онгинг маҳсули ҳаммаша ҳам яхшилиққа хизмат қилавермас экан.

Ана шундай кўп нарсаларга қодир "уддабурон қаҳрамон"ларимиздан бирининг жиний фаолиятига тўхталсак.

Шерали Эргашев (исм ва фамилияси ўзгартirilган) олий маълумотли, кўп йиллардан буён банкда турли лавозимларда ишлаб, унга нуфузли тижорат банкларида бирининг Боёвут филиалида бошқарувчи ўринбосари вазифаси ишониб топширилган эди. У бу лавозимни ўзининг марра чўққиси деб тушуниб, нафсига эрк берди, натижада мансаб ваколатини суистезмол қилиб, жиний ишга қўлга ура бошлади.

Даставвал, у банк ўринбосари сифатида бир гуруҳ шахслар билан жиний тил бирик-

тириб, турли қинғирлик билан "Жўрамурод ота авлодлари" фермер хўжалиги раҳбари Ш.Жўрамуродовга солиқ ва мажбурий тўловлар деб, бўш қоғозларга фермер хўжалигининг муҳр ва штампини бос-тириб олиб, унинг хабарисиз полиз ва сабзавот экинлари уруғлари учун 10 млн. сўмлик кредит маблағларини ажратиб тўғрисидаги сохта ҳужжатларни расмийлаштириб, "Дони" хусусий корхонаси ҳисобига ўтказиб, "Жўрамурод ота авлодлари" фермер хўжалиги манфаатларига кўп миқдорда зарар етказди.

У бу қилмишини "хамирдан қил суғургандек" амалга оширдим, деб яна жиний ҳаракатларини давом эттирди.

Хусусан, у бир вақтнинг ўзида банк бошқарувчиси ўринбосари ва яна бир юридик корхона бошлиғи бўлиб ишлаш мушкул эканлигини билиб, ўзининг укаси номига "Боёвут Транс Қурилиш савдо" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилиб, унга кредит маблағлари олишни режалаштирди. У бу ишни айнан ўзи ишлаётган банкдан битириш осон кечишини тушуниб, жамиятга цех қуриш ва қури-

лиш материалларини олиш мақсадида 33 млн. 800 минг сўмлик кредит ажратди. Энди бу маблағларни фақатгина ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб, ўзлаштириши керак эди. "Қаҳрамонимиз" буни тезда, осонлик билан урдади.

Шундан сўнг, у жиний ҳаракатларини яна давом эттириб, укасининг номига расмийлаштирилган "Боёвут Транс Қурилиш савдо" МЧЖга мансаб ваколатидан фойдаланиб, яна 199 млн. сўмлик кредит маблағини ажратди ва пулга 9 дона "Nexia" автомашинаси сотиб олди.

Шерали Эргашев автомашиналарни қўлга киритгач, уларни корхона ҳисобидан аҳолиға пуллик хизмат кўрсатишга йўналтирмасдан, фуқароларга нақд пул ҳисобига сотиб, уларнинг номига расмийлаштириш ўрнига уларға автомашиналарни бошқариб юриш ҳуқуқини берувчи корхонаға тегишли бўлган йўл варақаларини қалбақлаштириб тақдим этган. Сотувдан тушган пул маблағларини жамиятга кирим қилмасдан, банкка ҳам топширмасдан яна эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб, талон-торож қилган. Шунингдек, жамият томонидан жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қасддан тўламай келгани ҳам аниқланди.

Суд томонидан бу қонунбузарга нисбатан одилона ҳукм тайинланди.

Хулоса ўрнида, шуни айтиш керакки, мансабдор шахсини ёки хусусий корхона раҳбари бўладими, ўз фаолиятини қонун-қоидаларга риоя этиб олиб бориши шарт. Чунки, унга амал қилганлар, доимо қонун ҳимоясида бўлади.

Иш танлашда янглишганлар

Қамолитдин АЛЛАБЕРГАНОВ,
Хоразм вилоят прокурори ёрдамчиси

қон бозори ҳудудида "ин" қуриб олган 16 нафар валютафуруш қўлга олинди. Энди "Доллар оламиз, рублингиз борми?" дея бозорга қирувчиларни бирма-бир сўроққа тутатган бу кимсаларнинг қонун олдида жавоб беришлариға тўғри келади.

Бундай қонунбузарлардан бири Руслан Жўмамуратов 1991 йилда туғилган. Бу йиғит белини оғритмасдан, осон даромад қилиш йўлини валютафурушлиққа деб билиб, нотўғри йўлни танлаганини кеч тушунди. Ноқонуний иш келтирар ташвиш, дейдилар. Рейд давомида қонун ҳимоячилари томонидан унинг ёни текширилганда, Русланга тегишли "Матиз" русумли автомашинадан 31000 қозоқ тенгеси, 1894 АҚШ доллари ва 69 600 Россия рубли топилди.

Унинг жиний шериклари, Мурод Қўтлимуродов, Ойбек Оллаберганов, Тўлқин Ражабов, Даврон Рўзметов, Неймат Хусанов, Аҳмад Юсупов, Абдол Абдолов, Худойберган Абдолов, Жаҳонгир Ваисчанов, Баҳром Мадрохимов, Баҳром Матчанов, Болтабой Собиров, Сарвар Холбоев, Полвонназир Шакиров, Баҳодир Хусановнинг ёнларидан ҳам олиб-сотиб мақсадида сақланган турли валюта қимматликлари топилди.

Суд ҳукми билан жиноятчилар қонуний завога тортилди. Ашъвий далил ашё сифатида олинган пул бирикларни давлат эғалиғига ўтказилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз дунёнинг турли давлатлари билан дипломатик алоқаларни ўрнатгани боис, уларнинг пул бирикларни юртимизга кириб кела бошлади. Шунга мувофиқ қонунчиликка янги меъёрлар белгиланди. Бугунги кунда фуқаролар тижорат банклари орқали турли давлатлар пулларини айирбошлаш имконига эга бўлдилар.

Айрим "олғир"лар эса бу жараёндан "унумли" фойдаланиб, ноқонуний даромад орттиришга ҳаракат қилмоқдалар. Аҳоли гавжум жойларда валюта алмаштириш билан шуғулланган бундай ҳожабардорлар ўз қилмишлари билан юртимиз қонунларини бузётганиларини билишмайдими? Албатта, билишади. Чунки, улар формула ҳуқуқтартитб идоралари ҳодимларини кўришлари билан тум тарақай қочишади-ку.

"Қорабозор" аталмиш жойда фаолият кўрсатётган валютафурушлар фаолиятиға чек қўйиш, уларнинг қилмишларини фож этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютаға оид жиноятларға ва жиний даромадларни легаллаштиришға қарши курашиш департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Мана шундай ҳамкорликда ўтказилган навбатдаги тадбир давомида Урганч шаҳридаги дех-



Давлатимиз мустақилликка эриш-
ган ilk йиллардаёқ ҳар бир йили-
миз ўзгача бир файлини ном билан
аталиб, эътироф этила бошланди.
1998 йил "Оила йили" деб эълон
қилинган бўлса, 2012 йилининг муҳ-
тарам Президентимиз томонидан
тақлиф этилиб, бир қатор вазир-
ликлар, муассасалар маоралар ва жа-
моат ташкилотлари билан бир
овоздан "Мустақкам оила йили" деб
эълон қилиниши бежиз бўлмади, ал-
батта. Чунки оила муқаддас даргоҳ,
оила ҳамжихатлик қўргони.

"Мустаҳкам оила йили" да мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўригини ташкил этиш, аҳолининг репродуктив саломат-

лигини саклашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги ишлар "Мустақам оила иили" Давлат дастури ихросида янада жадалланиб. Жамиятинг асосий бўғини ҳисобланганимиз "Оила институтини" ривожлантириш, оилада табиий маданиятни юксалтириш, айниқса, ёшларни, қизларни ўрта, умумий ўрта махсус касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тўлиқ иш билан таъминлаш борасида мақсадли дастурлар қабул қилинди.

Маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла хайрия жамғармалари томонидан кам таъ-

минланган оилаларга ер томоркалари, қорамол ва фарзандларимиз келажаги учун компьютер жижҳозлари етказиб берилди. Юртимизнинг барча вилоятларидаги ёш оилаларга банкларимиз томонидан уй-жой олиш ва қуриш учун иттиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Тегишли қонун ҳамда қарорлар қабул қилинишидан ташқари, никоҳ уйлари қошида "Оила дорилфунуни", "Ёш оила қурувчилар мактаби" каби ўқув курслари ташкил этилмоқда. Шунингдек, оила институтини янада мустахкамлаш ва ривожлантириш, ёш

Ш.ҚУРАЛАЕВ,

Навоий вилоят прокурори ёрдамчиси

оилалар ва оилавий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлашни қучайтириш, оила соғлиғини, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда эса, барқамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш чора-тадбирлари кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Умид қиламизки, бу хайрли ишлар ва вазифалар ҳуқуқий механизмларнинг узвий давомига айланади.



Банк кредитлари тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилмоқда

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида банклар ишینی янада тақомиллаштириш, молия муассасаларининг ишлаб чиқариш тармоғини ва ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга жалб этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Давлатимиз раўбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг мамлакат пул-кредит сисъатидagi ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва унинг фаолиятини кучайтириш, инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига қўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини ошириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий ишлар ўз самараларини бермоқда.

Бу борада "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки Тошкент вилоят филиали томонидан олиб бориладиган ишларни таъкидлаш лозим. Банк филиали томонидан мижозларча барча турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатиб келмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган маблағларни иктисодиётнинг реал секторига самарали йўналтириб, бу маблағларни омонат-чилар, мижозлар ва акциядорларнинг манфаатларига мос

равишда кўпайтириб бормоқда. Бунда "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун", деган энг асосий тамойил дастуриламал бўлмоқда.

Бугунги кунда "Асака" банкнинг Тошкент вилоят филиали жамоаси 10 минг нафардан зиёд юридик ва jismoniy шахсларга намунали банк хизматлари кўрсатиб келмоқда.

Банк филиали томонидан хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини теглаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳолини яхшилаш борасида ҳукуватимиз томонидан чиқарилган қарор ва фармонларнинг бажарилишини таъминлаш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда.

2012 йил 1 октябрь ҳолатига кўра банк филиали жами кредит кўйилмалари ҳажми 43,7 млрд. сўмни ташкил қилди. Кредит кўйилмаларининг асосий қисмини узоқ мuddатли кредитлар ташкил этади. Мамлакатимизда янги

мулкдорлар синфи жадал-
шаклланаётган, кичик ва ху-
сурий шохоналар, тadbиркорлик
билан шуғулланувчи юридик ва
жисмоний шахслар юзгага ке-
лаётганлигининг ғувоҳи бўлиб
турибмиз. 2012 йилнинг ўтган
даври мобайнида Банк фили-
али томонидан кичик бизнес
ва хусусий тadbиркорликни
ривожлантиришга 26,1 млрд.
сўм микдорида кредит маблағ-
лари ажратилди. Бунинг нати-
жасида 400 нафарга яқин янги
иш ўринлари яратилди.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор берилиб, зарур шарт-шароитлар яратилаётганиги биз тадбиркор ва ишбилармонлар учун қатта имкониятлар яратмоқда, — дейди "Master Global Plus" МЧЖ раҳбари Комилжон Собиржонов. — Банкларнинг кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашлари биз учун айти мудабо бўлмоқда. Бизнинг қорхонамиз ҳам бу имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш зоясидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида юртимизда етиштириладиган хўл мевалардан юқори сифатли шарбатлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида хорижада иш-

лаб чиқарилган замонавий, ҳаётон стандартларига тўла жавоб берадиган ускуналарни олишнинг режалаштирдик ва режимида амалга ошириш учун "Асака" банкнинг Тошкент вилоят филиалига мурожаат этдик. Банк жамоаси бизнинг кредитга бўлган талабимизни тезликда қўриб чиқиб, ижобий ҳал этди. Банк кредити ҳисобига ноёб ускуналар келтирилди ва ўрнатилди. Бу эса бизга Тошкент вилояти аҳолисига, уларнинг талаби асосида барча турдаги мевадардан шарбатлар ишлаб чиқаришга кенг имкониятлар яратди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш натижасида корхонамизда 40 нафардан зиёд янги ишчи ўрни яратилди.

Шу ўринда "Асака" банк Тошкент вилоят филиали томонидан "DEN TEXTILE" қўшма корхонасига трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида ажратилган кредит натижасида 120 нафар, "Sarskaya Sladost" МЧЖа кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ажратилган кредит натижасида эса 80 нафар янги иш ўринлари яратилганлигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 26
январдаги қарорига асосан
озиқ-овқат маҳсулотлари иш-
лаб чиқарувчи корхоналарга
ишлаб қўйишни кенгайтири-
ш ва ривожлантириш мақ-

садларига жами 20,4 млрд. сўмдан зиёд миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш ва уларни иш билан таъминлаш бўйича "Асака" банк Тошкент вилоят филиали ўзининг бир қатор лойиҳалари орқали фаол ишлар олиб бормоқда. Хусусан, "DEN TEXTILE" қўшма корхонасига ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш мақсадига ахтирилган кредитлар натижасида яратилган янги иш ўринларига 22 нафар коллеж битирувчилари ишга қабул қилинди.

Банк филиали томонидан тадбиркор аёллар иш фаолиятини ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ушбу мақсадларга жами 1,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Мухтасар қилиб айтганда, "Асак" банк Тошкент вилояти филиали томонидан барча тоифадаги мижозларга, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қулайликлар яратиш сиёсати муҳим устувор вазифалардан саналади. Банк жамоаси мазкур соҳани ривож иктирсодий муваффақиятлар учун асосий омиллардан бири эканини яхши англаган ҳолда фаолият юритмокда.

[illegible]

«Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик эцкцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 9 октябрдаги 9а-сонли буйруғига асосан:

1. Жондор тумани Охших кишлоқ фуқаролар йиғини Тўхсобо аҳоли пункти ҳудудда жойлашган ҳар бирининг умумий майдони 400,0 кв.метрдан иборат бўлган, яъна тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган 3 (уч) та (1,2,3-сон) ер участкаларига мерос қилиш қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқлари қўйилмоқда. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳар бирининг бошлангич баҳаси 373 200 сўмдан

2. Пешку тумани Қалъайи-Миршкор кишлок фукаротар йигини Талисубон кишлок ҳудудида жойлашган, якка тартибда уй-йи қуриш учун мўлжалланган 1 (бир) та ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари қўйилмоқда.

Ер участкасига бўлган ҳукуқининг бошланғич баҳоси 480 000 сўм.

Талабгорлар диққатига!
Аукцион голибига савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун мuddат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олдидан шартномасини тузиш ҳамда олдидан шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдолариди иштирок этиши истагидоги талабгорлардан савдолардан иштирок этиши учун белгиланган шаклдаги бюртномалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунари соат 10:00 дан 16:00 гагача Бухоро шаҳри, Пирдастдор кўчаси 6-йи манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Бюртномалари қабул қилиш охири мuddати савдоларини ўтказилиши белгиланган санадан ун кун олдин бўлган мuddатда, яъни 2012 йил 23 ноябрь кунини тўхтатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш
истагидида бўлган талабдорлар савдо та-
шкилотчиси билан тузилгандиган закалат
пули тўғрисидаги қилишув шартномаси-
га асосан мулкнинг бошланғич баҳоси-
нинг 15 фоизи миқдоридagi закалат пул-
ларини тўлашлари ҳамда жисмоний
шахслардан паспорт нусхаси, юридик
шахслардан давлат рўйхатидан ўтганли-
ги тўғрисидаги гувоҳнома, низоми нусха-
си, вакил иштирок этганда ишончнома
тақдим этилиши сўралди.

Аукцион савдолари 2012 йил 26 ноябрь кuni соат 11:00 да савдо ташкилот-чисининг савдолар майдончасида бўлиб ўтади.

Мазкур ер участкалари 2012 йил 26 ноябрь кuni ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ер майдонларининг тақрорий аукцион савдолари 2012 йилининг 27 декабрь кuni соат 11:00да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилиш охириги мuddати: 2012 йил 27 декабрь савдоси учун 2012 йил 26 декабрь куни соат 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларига катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилганда закатал келишувга асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини савдо кунига қадар "Golden Build Trading" маъсулияти чекланган жамиятининг АТБ "Турун банк" Бухоро филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704953182001, МФО: 00111, СТИР: 302118823. ХТХТУ: 83200.

Буюртманомалар қабул қилиш, кўшимча маълумотлар билан танишиш ва савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Пиридастгир кўчаси 6-уй. тел: (+99894) 548-70-20, (+99893) 960-36-03.

E-mail: g_b_t@list.ru
Лицензия RR 00117

Муборак бўлсин

Сираарё вилоят прокуратура органларида 37 йилдан зиёда қамарли фаолият юритган инсон, прокуратура фахрийси Таматаева Раиса Витальевна кутлуг 60 ёшни қарши олмақда.



У меҳнат фаолияти давомида Гулистон шаҳар прокуратураси иш ўрганувчиси, катта терговчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Гулистон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, ўринбосари, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Раиса Таматаева ўзининг меҳнатсеварлиги, камтарлиги, илганувчанлиги билан ҳамкасблари меҳрини қозонди. Ишлаш даврида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди.

Тўғри йўлни кўрсатиб, виждонан ишлашни ўргатган шогирдлари ҳозирги кунда ҳуқуқ-тартибот органларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Раиса Витальевнанинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўрак нишони билан тақдирланди ва бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Хурматли Раиса Витальевна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга узоқ умр, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг йигирма йиллиги яқинлашиб қолмоқда. Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлган бу тарихий ҳужжатга янги жамиятимизнинг бош ғояси — озода ва обода Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш мақсади ўз ифодасини топган.

Асосий Қонунимизга 20 йил

Мухаммаджон МАХМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Ўтган йигирма йил ичида бу борада улкан тарихий ишлар амалга оширилди. Чунони, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида ҳуқуқ-тартибот соҳаси чуқур ислоҳ қилинди, жамият ҳаётида ижтимоий адолат принциплари қарор топти, ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини тўла намоён этиш, самарали меҳнати натижаларидан тўла баҳраманд бўлиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шугулланиш учун зарур имкониятлар яратиб берилди. Шу каби вазибалар мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётгани ҳақида Фарғона шаҳридаги ҳуқуқ коллежида бўлиб ўтган йилгилишда таъкидланди. Тадбирда сўзга чиққанлар Конс-

титудиямизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, инсон манфаатлари мамлакатимизда энг олий қадрият эканлиги, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий адолат тамойиллини амалга ошириш борасидаги эришилаётган ютуқлар ҳақида гапирдилар.

Шунингдек, коллеж Аxbорот-ресурс маркази ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб, "Асосий Қонунимиз — юксалишлар қафолати" деб номланган меъёрий ҳужжатлар, қонунлар, фармойишлар ва фармонлардан иборат китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Акс-садо

Табиат — илқинчи онамиз

«Ўрмонлар — умуммиллий бойлигимиз» сарлавҳали мақолани ўқиб



"...Тоғ қишлоқларида одамлар ўрмон ҳўжалиги ходимларининг кўзини шамғалат қилиб, арчаларни кесиб кетишяпти".

Журналист Норбўта Ҳоziевнинг "HUQUQ" газетасининг 2012 йил 20 сентябрь сонида босилган "Ўрмонлар — умуммиллий бойлигимиз" сарлавҳали мақоласида ана шундай кўюнақлик билан айтилган жумла бор. Мақолада келтирилган фикрлар, далиллар ва ҳулосалар анчадан буён давом этиб келаятган бир муаммони ўртага ташлаган.

Бу мақолани ўқиб, мен ҳам ўз фикрларимни баён қилишга жазм қилдим. Республикаимиз ўрмонзорлари, тоғлар бағридаги кичик дарахтзорлар давлатимиз томонидан қанчалик назорат қилинамасин, айрим одамларнинг ана табиатимизга зийн етказаятганлигини кўриб ёки эшитиб, нафратланиб кетаман. Ахир ана табиатни асраш, она заминни авайлаш фақат шу соҳага масъул бўлган идораларнинг ишими? Тўғри жонқуяр инсонлар ҳам кўп. Аммо, уларнинг дилидаги дарахтлари тилига чиқмай, ичларида қилиб кетмоқда. Қачонгача бундай муаммолар тўғрисида ёзилган мақолаларни ўқиб, "Отасига раҳмат, зўр ёзибди", дейишдан нарига ўтмай, четдан томошабин бўлиб ўтираверамиз.

Ахир, она Ватанини ардоқлаш, она табиатимизни кўз қорачиғимизда асраш шу муқаддас юртда яшаётган ҳар биримизга бирдек тааллуқли эмасми?!

Инсон болалигидан умрининг охиригача иккита нарсаси тал-

пиниб яшар экан. Биринчиси, дунёга келтирган онаизори бўлса, иккинчиси, туғилиб-ўсган жойи, яъни Ватанидир. Агар инсонни тақдир-қисмати онасидан жудо этса, унинг ўқсик кўнглини тўлдирадиган, руҳига мадад берадиган ягона макон бу унинг она диёридир. Шунинг ҳеч қачон унутмаслик керак.

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида халқимизга жуда катта имкониятлар эшигини очиб берди. Айниқса, бугунга келиб, истиқлол туғайли одамларимиз ҳалол меҳнат билан ҳам катта маблаг топиш мумкинлигини тушуниб етди. Қишлоқларимизнинг қиёфаси йилдан-йилга гўзаллашиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Кўриниб турибдики, одамларнинг турмуш даражаси кескин ижобий томонга ўзгарди.

Бундай манзарани Ватанимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам кузатиш мумкин. Бугун қўчаларимизда машиналар сезиларли даражада кўпайди. Айниқса, йўловчи ташвиш транспортнинг жадал ривожлантирилганлиги боис, аҳолининг қувончи кескин. Рўзғорига бозор-ўчар қилиш учун бундан йигирма бир йил олдин бир кун вақтини сарфлаб, яна етмаганидек бозор халтасини тирбанд автобусда 40-45 километрга тик турганча кўтариб келадиган узоқ қишлоқ одамлари эндиликда, бу юмушни 1-1,5 соатда амалга ошириб келишмоқда.

Бундай имкониятларни бераётган юрт учун биз қандай жавоб қайтараямиз. Афсуски, бу саволга ўзимнинг қишлоғим

ҳолатидан келиб чиқиб, ижобий гап айта олмаман. Яқинда мен қишлоқда бўлганимда баъзи одамлар атроф-муҳитга, табиатга бўлган эътиборни сусайтириб юборганликларининг гувоҳи бўлдим. Менинг ёшлиқ тасаввурим ва хотирамда қолган қишлоқ қиёфаси айна пайтда салбий ўзгарганлиги, ям-яшил дарахтзору боғларга бурканган қишлоғим бағри анча юпунлашганлиги, ёзи билан қуримайдиган сўлим дарёси баҳор фасли тугамасдан сувсизланиб, болажонлар чўмилиш учун чуқурроқ жой топа олмаётганлари етмагандай, дарё ўзларни қорва молларининг тезағи йиғиладиган жойга айланган қолганлиги мени қаттиқ ранжитди.

Киндик қоним тўкилган бу манзилни айланби юрар эканман, бир ҳамқишлоғимни учратиш қолдим. Бироз у ёқ-бўёқдан гаплашганимиздан кейин у менга қандай бойиш ҳақидаги фалсафасини соддадидлиги билан айтиб, қанча маъруза ўқиди эслаб олмаман. Унинг гапларига қулоқ солиб турдимда, унга савол билан мурожаат қилдим.

— Хўп, ҳеч қаерда ишламасдан қишлоқда яшиш янаш сирини айтинг-чи менга?

— Сен бунчи билмасанми?

— Йўқ, билмайман.

— Фалончини биласанми?

— Ҳа, биламан, қани айтинг-чи?

— У ўтган йили четдан 200 та қорамол йиғиб, фалон дарада хотини билан март ойидан бошлаб 5 ой боқди. Чорваини эгалари ҳар бир мол учун ойига 40-45 минг сўмдан тўладилар. Сен ўқимишли одамсан, ҳисобла-чи, ойига қанча бўлади, 3 миллион сўм. Шунинг энди бешга кўпайтир. Бу йил мана шу қишлоқдошинг 250 бов қорамолнинг ҳар бошини ойига 20 минг сўмдан олиб боқаяпти. Мен сенга айтсам, бундай тад-

биркорлардан тоғнинг ҳар бир дарасида 2-3 нафари пул санаб ётибди. Бу бизнес фақат бизнинг қишлоғимизда йўлга қўйилган, деб мақтанолмаймиз. Чунки унинг қишлоққа кириб келганига 5-10 йил бўлди, холос. Тоғдан гиёҳ, анзурпиез, зира терадиганларни, тандир кабоб учун арчани кесиб сотадиганларни ҳозир қишлоқ тадбиркорлари рўйхатига қўшмасам ҳам бўлади. Сабаби, уларнинг даромадлари жа унчалик катта эмас. Яқинда қоврак тадбиркорлари фаолияти бошлашни эҳтимоли ҳам йўқ эмас, — гапини фахрлибид давом эттирдди у. — Қамаш ва Дехқонбод томонларда бу "тадбиркорлик" анча йил олдин биркорлар экан. Билмадим, бу сассик қовракнинг ишқибози ким? Эшитишимча, ширасидан қандайдир қиммат дори тайёрланар эмиш.

Унинг гапларини эшитиб, ғазабим кўзиб кетди.

— Бўлмаса тоққа бирийўла ўт қўйиб юборишлари қолибди, холос, — дедим жажлими босиб.

— Тоғнинг, у ердаги дарёларнинг мол туёғи босмаган жойи, ахлати тушмаган нуқта-си қолмади, шекилли? Нимага қишлоқ аҳолиси бир вақтлар сув ичган дарёдан энди йил давомида ахлат оқади? Нега тоғдаги бўлоқлар қуриб кетаяпти ёки қолганлари балчиқ-ботқоққа айланди? Арчазорлар йилдан-йилга камайиб кетмоқда. Қаклар йўқолиб кетмоқда. Бу каби "тадбиркорлар"нинг дастидан тоғда молнинг ахлати тушмаган, туёғи эзгиламаган бирорта дам оладиган жой қол-

Ўрол БОЙНАЗАРОВ,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институту доценти

дими? Эндиликда, агар одамлар сув ичиб турган тўртта бўлоқ ҳам қурса, бу қишлоқдаги аҳолининг ҳаёти қандай кечадиган?

— Бунинг сен эмас, мен ҳам биламан. Лекин ҳамма шунинг билки, андиша қилиб, қўл қовуштириб ўтирганидан сўнг нима қилайлик. Ким уларга тўғри йўл кўрсатади? — деди ниҳоят суҳбатдошим менга қараб.

Суҳбатдошимга гапларим таъсир қилиб, виждони уйғонганидан бироз кўнглим ёришди.

Биз фуқаролар юртимизнинг ҳар бир ҳудудидаги табиий гўзаллиқни асраб-авайлаш билан бирга уни янада кўркам қилишга ҳиссамизни қўйиш учун ўзимизда ва келажак авлодларимизда маънавий ҳисси-ётни шакллантиришимиз керак. Бойлик, ўз манфаатини ўйлаб табиатни оёқости қилиш, ундан билганича фойдаланишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Бу соҳадаги эътиборсизлик оғир оқибатларга, тузатиб бўлмас йўқотишларга олиб келишни асло эсдан чиқармайлик. Мамлакатимиз табиатининг гўзаллиги, ҳайвонот дунёсининг ранг-баранглиги билан дунёдаги ҳар қандай давлат билан тенглаша олади. Биздан фақат уни асрашда фидойилик, эътиборли бўлиш, унга таъовуз қилган қимсаларга нисбатан муросасиз бўлиш талаб этилади, холос. Она табиат бизнинг иккинчи онамиз эканлигини унутмайлик.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори Улуғбек Абдурахимовга палари бузқувори

Мирзатилла отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'ratkichi
231

Buyurtma j-5598. 45 977 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Nabatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhihi: M.QAMBAROV
Nabatchi: O'DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirish: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

